VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

43 (51) 2009 йил 4 ноябрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Тиббий кўрик

Миллатнинг эртанги кунини ва она- боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва тугал касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган.

➔ 6-бет

Анти-вирус иш бериши керак

Ҳозир сайёрамиз бўйлаб H1N1, яъни "чўчқа гриппи" яна авжига чиқмоқда. АҚШ, Украина, Россия, Буюк Британия, Францияда ушбу касалликка қарши эмлаш кампанияси бошланган, бироқ фармацевтика саноатлари етарли вакцина ишлаб чиқаришга улгурмаяпти.

➔ 7-бет

Жиззахлик ҳунармандлар

Жиззах шаҳри азалдан халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ҳудудлардан саналади. Заргарлик, кулолчилик сандиқдўзлик, бешикчилик, каштачилик, зардўзлик каби санъат намуналари ҳаммани қойил қолдирган.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ЎзМТДП — ТАШКИЛОТЛАРИДА 2-бет
Фаолиятимиз кўзгуси
ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
Фаолиятимиз кўзгуси
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Фаолиятимиз кўзгуси
Самарқанд янада сайқал топмоқда
МАЪНАВИЯТ 5-бет
XXI аср кутубхонаси
Саломатлик мезони
ЖАРАЁН 6-бет
Ижтимоий ҳуқуқлар
Бунёдкорлар
«Jeef kune do»
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Дунёдан дараклар
Фиръавнларнинг яна бир сири
КЎЗГУ 8-бет
Ортсзеит — маҳаллий вақт
Хон тоғи
Турфа олам

ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» аъзолари

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Аҳолини иш билан таъминлаш

2010 йилга мўлжалланган дастурнинг асосий мақсади

Йиғилишда дастлаб, "2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда республикамизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераяпти. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш борасида янги иш жойларини ташкил этиш дастурларини иқтисодиётнинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича инқирозга қарши комплекс чоралар амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай шароитларни яратилиши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, уй меҳнатининг изчил ривожлантирилиши, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ишларнинг кучайтирилиши натижасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 743 мингта янги иш жойлари ташкил этилди.

- 2010 йилда аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини яратиш дастури ҳам иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Дастурида кўзда тутилган чораларни амалга ошириш масалалари ҳамда меҳнат бозоридаги вазият ва 2010 йилда бўш иш ўринларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди,- деди мазкур лойиҳа юзасидан маъруза қилган қўйи палата Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев.

- Дастур лойиҳасига кўра, 2010 йилда иш ўринларини яратиш учун инвестиция ва бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ жами 18734 млрд. сўм маблағ сарфланиши назарда тутилган.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилиши назарда тутилаётган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Шунингдек, йиғилишда яна бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида кун тартибидаги масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

XXI аср кутубхонаси

ҳозирги китобхон ўз кабинетидан ўтириб кутубхоналар фондидан керакли адабиётларни қидириш, уларга буюртма бериш, фойдаланиш – бир сўз билан айтганда, зиё маскани билан бемалол "мулоқот" қилиш имконига эга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида мамлакатимиз кутубхоначилик тизимини ислоҳ қилиш энг муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ўтган 3 йил давомида ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти ахборотлаштириш томон ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янги типдаги кутубхонанинг энг муҳим вазифаси ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, ўзининг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш, нафақат доимий китобхонларига, балки ахборот истеъмолчиларининг янги тоифаси – ишбилармонлар, бизнесменлар, фермерлар ва потенциал инвесторларга ҳам хизмат қилувчи ва ахборот етказиб берувчи виртуал кутубхоналар ташкил этишдан иборатдир. Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир..." деган фикрлари кутубхоначилик жамоаси учун

келгуси ишларида катта туртки бўлади.

СУРХОНЛИК КИТОБХОНЛАР БИРИНЧИ

Таҳлилларга кўра, 2006 йилда ахборот-кутубхона марказларида бор йўғи 109 та компьютер бўлган бўлса, ҳозир улар сони 445 тадан ошди. 2006-2009 йиллар мобайнида реконструкция, капитал ва жорий таъмирлашга давлат бюджетидан 394 млн. сўм ажратилган бўлса, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2,2 млрд. сўм жалб қилинди, 8 та библиобус олиб берилди ва 2 млн. АҚШ доллари миқдорида грант асосида хорижий инвестиция кириб келишига шароит яратилди.

(Давоми 5-бетда)

ОБОДЛИК — КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Самарқанд янада сайқал топмоқда

Тангир САТТОРОВ,
Самарқанд шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари

Самарқанд дейилганда, тасаввуримизда дарров Шарқ гавҳари, ер юзининг сайқали, деган оламшумул таърифу тавсифлар ҳамда сирли, сеҳрли, мафтункор ва хосиятли шаҳар гавдаланади. Унинг мусаффо осмони, ёқутдек ёрқин юлдузлари, шифобахш ҳавоси, ухламайдиган шабадалари, унумдор тупроғи, мовий гумбазлари, ўлмас тарихий обидалари инсониятни ҳамон ҳайратга солиб келади.

Айниқса, мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги ва раҳномалигида Самарқандда мисли кўрилмаган даражада ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

(Давоми 4-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ЎзМТДП — ТАШКИЛОТЛАРИДА

САРҲИСОБ

Конференциялар кун тартибидан партия ҳудудий ташкилотларининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳининг фаолияти, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари Назорат-тафтиш комиссиялари ҳисоботи ва комиссия таркибига ўзгартиш киритиш, ЎзМТДП II-Съездига делегатлар сайлаш тўғрисидаги ҳамда партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар жой олди.

Партия конференциялари:

Фаолиятимиз кўзгуси

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари конференцияларида партиямиз фаолияти кенг ҳамда танқидий таҳлил этилди

Самарқанд:

Излаган имкон топар

Хусусан, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши конференциясида ўтган давр мобайнида вилоят кенгаши, унинг таркибидаги туман ва шаҳар ташкилотлари фаолияти сиёсий куч сифатида партия Дастурида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва партиядошларимизга етказиш, маҳаллий ҳокимият органлари билан кучли алоқани йўлга қўйишга қаратилганлиги таъкидланди.

Конференцияни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдуқаюм Каримов бошқарди ва вилоят кенгашининг ўтган беш йиллик фаолияти юзасидан маъруза қилди.

Мазкур анжуман эришилган натижалар ва қилинган ишларни танқидий баҳолаш руҳида ўтганлиги боис, кун тартибидаги масалалар муҳокамаси чоғида сўзга чиққан партия фаоллари томонидан ЎзМТДП вилоят кенгаши ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга соляптими, партия Устав ва Дастурида белгиланган вазифаларни тўлалигича амалга ошираптими, бу борада партия депутатлик гуруҳлари, бошланғич ташкилотлари фаолияти қониқарлими?- деган саволлар ўртага ташланди, камчиликлар рўй-рост айтилди ва уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов ўз сўзида партия вилоят, туман, шаҳар ҳамда бошланғич ташкилотлари ишини тубдан ўзгартириш, кенг омма орасида ўтказилаётган сиёсий, маърифий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, партия билан унинг хайрихоҳлари, депутатлар билан сайловчилар алоқаларини кучайтириш, партия сафига, элу юрт манфаатларига хизмат қиладиган, ташаббускор ва фидойи одамларни қабул қилиш каби энг муҳим вазифаларни бажариш борасида мазкур партия ташкилоти ҳали кўп иш қилиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, партия Дастурида белгиланган мақсад ва ғоялар ҳаётда ўз амалий ижросини топиши учун вилоят кенгаши партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар, сафимиздаги олимлар, зиёлилар, умуман, барча аъзоларимиз куч ва салоҳиятини сафарбар этишга эришиши лозимлигини уқтирди.

- Биз фаолиятимизни сарҳисоб қилар эканмиз, доимо ишимизга танқидий баҳо бериш, амалга оширган ишлардан кўра, қилинмаган ишлар, бой берилган имкониятлар ҳақида гапиришимиз лозим,- деди партия раҳбари ва вилоят кенгашининг беш йиллик фаолияти юзасидан берилган ҳисоботда ана шу жиҳат етарли даражада кўзга ташланмаганлигини ачиниш билан эътироф этди.

- Айниқса ҳозир бўлажак сайловга тайёргарлик ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда барчамиз чуқур масъулият ва ишчанлик билан фаолиятимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим,- деди партия етакчиси сўзини якунлар экан.

Шунингдек, конфренцияда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи фаолияти, ЎзМТДП вилоят кенгаши Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботи, комиссия таркибига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди ва ЎзМТДП II-Съездига делегатлар сайланди.

Конференция сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қорақалпоғистон:

Амалий саъй-ҳаракат ва фаоллик

мақсадларимизни рўёбга чиқаришда бош омилимизга айлансин

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг II-конференциясида партиянинг ўтган беш йил давомидаги фаолиятига холис баҳо берилди ва шу билан боғлиқ ҳолда сайловларга тайёргарлик масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

ЎзМТДП республика кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реимов бошқарган конференцияда кенгаш аъзолари, фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

- Маълумки, партиямиз 2008 йилда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг бирлашувидан сўнг янги куч сифатида сиёсий майдонга чиқди,- деди сўзга чиққан ЎзМТДП республика кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Кенесбой Реймов. - Ҳисобот даврида асосий эътибор мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушунтириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ўрин олаётган муаммоларни таҳлил қилиш, уларнинг ечими бўйича ташаббуслар билан чиқишга қаратилди. Партиямизнинг бош таянчи - қуйи бўғин фаолияти ҳам диққат марказимизда бўлди. Шу боис, бошланғич партия ташкилотига етакчиларни танлашда уларнинг партия ғояларига содиқлиги, электорат манфаатларини ҳимоя қила олишга қодирлиги, сиёсий фаоллиги, одамлар орасида обрў-эътиборга эгалиги каби фазилатлари эътиборга олинди.

Бугунги кунда партия ғоялари атрофида жамиятимиз ривожи, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнларида фаол иштирок этишни ўзларига мақсад этиб қўйган 12 000 нафар аъзони бирлаштирган ва 511 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Ўтган бир йил давомида электоратимиз ҳисобланган ҳунармандлар, олиму зиёлилар, ижодкорлар ва ёшлар иштирокида партия республика кенгаши туман ва шаҳар миқёсида ўз мазмун-моҳиятига кўра Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғоя атрофида одамларни бирлаштиришга йўналтирилган 60 дан зиёд турли сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказди. Айниқса, партия ўз фаолиятини "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида олиб боргани халқ орасида ўз принципиал позициясини мустаҳкамлаш, уларнинг ишончини қозониш ва тарафдорлар сонини кўпайтиришда янги имкониятларни вужудга келтирди.

Анжуманда партиянинг Республика Жўқорғи Кенгесидаги фракцияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи фаолияти ҳақида сўз борар экан, ҳисобот йилларида амалга оширилган ижобий ишларни бирма-бир санаб ўтиш баробарида, фракция фаолиятига нисбатан танқидий фикрлар ҳам билдирилди.

Йиғилишда конференция иштирокчилари томонидан ЎзМТДП республика кенгаши Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботи тингланиб, комиссия таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Анжуманда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Юсупов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Улуғбек Жалменов, Жамиля Ниязова ва бошқалар йиғилганлар эътиборини мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ўта муҳим жараён — сайловларга партия Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотининг тайёргарлиги ва кенгашнинг самарали фаолияти ўлароқ унда партиянинг имкониятлари яхши эканлиги, бироқ партиямизнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш зарурлиги ва бу борада оммавий ахборот воситаларидан, хусусан партиямиз минбари ҳисобланган "Миллий тикланиш" газетасидан самарали фойдаланиш лозимлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда, шунингдек, ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тажрибали, кўпдан буён партия ишларида фаол қатнашиб келаётган Зуҳра Тажихўжаева сайланди.

Конференцияда партиянинг II-Сеъздига делегатлар сайланди ва кўрилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хоразм:

Сўз билан иш бирлиги

ЎзМТДП Хоразм вилоят ташкилотининг II-конференцияси партия фаоллари, зиёлилар вакилларининг фикрлашуви, сиёсий бирлиги ва жипслигини чинакам намойишига айланди. Партияга воҳада, айниқса ҳунармандлар кўпроқ аъзо бўлганлиги сабабли вилоят кенгаши ўз фаолиятида миллий қадриятларимиз тарғиботи, соҳани мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояларини ҳаётга кенгроқ тарғиб этиш йўналишида изчил фаолият олиб бормоқда.

Ташкилот раҳбари Б.Ибрагимовнинг маърузасида айнан шу соҳадаги вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан ўтган давр ичида қўлга киритилган ютуқлар, олдда турган вазифаларга кенг ўрин берилди.

- Бугунги кунда партия сафида 20 минг нафарга яқин аъзо бор. Партия сафининг ўсишига эришишимизда ўтказилаётган тадбирларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги, уларда аҳоли турли қатламларининг қамраб олинаётганлиги бош омил бўлаяпти. Бироқ кўппартиявийлик шароити биздан сондан кўра, худди ана шу рақамларда ифодалаб бўлмайдиган жиҳатни, яъни сифат масаласини эсдан чиқармасликни талаб этади. Айтиш жоизки, ҳар бир партия аъзосининг сиёсий етуклиги, партия ишига фидойилиги, Ватанга садоқати, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги собитлиги ва фаоллиги ана шу жиҳатни таъминлаб беради,- дея таъкидлади етакчи ўз маърузасида.

- Ўтказилаётган ҳар бир тадбир оддий ва таъсирчан, миллий ғоямизга ҳамоҳанг бўлса, шу билан бирга давримизнинг долзарб вазифалари рўёбига хизмат қилса кўзланган мақсадимизга эришишимиз мумкин. Унутмаслигимиз керак, партиянинг ҳаракат майдони жуда кенг. Унинг катта қисмини ўсиб келаётган ёш авлод эгаллаган. Улар биздан ўрнак оладилар. Шу боис фикрлашда ҳам, ишда ҳам, турмушда ҳам намуна кўрсатишимиз зарур. Уларга воқеа-ҳодисаларнинг ҳаққоний баёни, ҳамма соҳада айни ҳақиқат керак,- деди кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи раҳбари Д.Юсупова. - Ҳақиқатни эса мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан, вилоятимиз ёки туманлардаги ўзгаришлардан, халқимизга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан, ёшларимизга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан изласак, албатта топамиз. Бу борада бизга Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, айниқса "Юксак маънавият-енгилмас куч" китоби қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда "Миллий тикланиш" газетаси бизга фаолиятимизни таъсирчан ва самарали олиб боришда муҳим ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси О.Чўпонов, Урганч туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Давлетов, Янгиариқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Юсупов ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларда олиб борилаётган ташкилий ва тарғибот ишларининг аҳволи ҳақида гапирдилар.

Конференцияда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Ж.Сафоев иштирок этди. У ўз сўзида вилоят партия ташкилоти фаолиятидаги ютуқлар билан бирга, айрим камчиликларга ҳам тўхталди. Партиянинг сиёсий куч эканлиги, бу сиёсий онглилик ва жипсликни талаб этишини, айниқса Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларига ўтказиладиган сайловлар куни яқинлашиб келаётган бир пайтда бу жараёнда фаол ва самарали ҳаракат зарурлигига эътиборни қаратди.

Конференцияда ЎзМТДП вилоят кенгаши Назорат-тафтиш комиссияси раиси З.Болтаевнинг комиссия ҳисоботи, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Р.Саидовнинг Назорат-тафтиш комиссияси ва кенгаш таркибига ўзгартишлар киритиш, ЎзМТДП вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси М.Тўрабоеванинг халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Бекжонованинг ЎзМТДПнинг II-Съездига делегатлар сайлаш тўғрисидаги таклифлари эшитилиб, бир овоздан маъқулланди. Конференция ўз ишини якунлар экан, унинг иштирокчилари барча партия аъзоларини олдинда турган муҳим сиёсий жараён - сайловларда фаол қатнашишга даъват этдилар.

Андижон:

Етакчи масъулияти ва салоҳияти

ташаббус ва амалий ишнинг бевосита уйғунлигида намоён бўлсин

— Вилоят партия ташкилотининг ушбу конференцияси барчамиз учун муҳим сиёсий воқелик–сайловлар арафасида ўтказилаётганлиги унинг мақсад ва мазмунини белгилаб беради. Сайловдан сайловгача бўлган беш йиллик фаолиятимизни сарҳисоб этар эканмиз, ишлар якунларидан кўриниб турибдики, партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан фаолиятимиздаги ижобий натижалар бизни қониқтирмайди. Чунки барча имкониятлар етарли бўлган ҳолда, ҳудудий ташкилотларимизда ташаббус, жонланиш етишмаяпти,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Отахонов вилоят кенгаши конференциясидаги маърузасида. — Хусусан, эътиборингизни ўтказаётган тадбирларимизнинг савияси, сифати масаласига қаратмоқчиман. Баъзи тадбирларда таъсирчанлик ва самарадорлик кўринмаяпти. Уларни юқори савияда ташкил этиш учун турли воситалар, йўллар ва усулларни ўйлаб топиш сайловлар арафасида жуда муҳим. Сайловолди тадбирларида "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" фаоллигини ошириш орқали ёшлар ва аёлларимизни сафимизга жалб этолсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Партия сафининг катта қисмини ташкил этадиган "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" бўғинларига катта куч сифатида қараймиз. Кейинги пайтларда ЎзМТДП вилоят кенгаши мазкур бўғинлари фаолиятида ҳам жонланиш ва кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганлиги конференцияда алоҳида таъкидланган ҳолда, ҳали мавжуд бир қатор камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Тўғри, ЎзМТДП вилоят кенгаши таркибидаги туман ва шаҳар ташкилотлари томонидан партия дастурий ғоя ва мақсадларини ёшлар, хотин-қизлар орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, уларнинг сиёсий билим ва тажрибаларини ошириш ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга эришишда қатор ишлар қилинган. Лекин барча туман ва шаҳар кенгашлари таркибидаги бўғинлар раҳбарлари ва фаоллари ҳам бу борада фаол, ташаббускор деб бўлмайди. Хотин-қизлар ва ёшлар ҳаётига оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

— Биз қачонки ёшлар ва хотин-қизлар орасига чуқур кириб борсак, орзу-ўйлари, интилишларини етарлича ўрганса-кина, уларни хайрихоҳларимиз сафига қўша оламиз ва куч-ғайрат, шижоатини эзгу мақсадларимиз йўлида бирлаштиришга эришамиз,-деди конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП Олтинкўл тумани Ижроия қўмитаси раиси М.Ҳамраалиева. — Бугун "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти"ни кучли бўғинга айланиши учун нималар қилиш керак, деган саволларни ўз олдимизга кўндаланг қўйиб, амалий иш билан бу саволга жавоб топишимиз шарт. Шундагина наинки сайлов жараёнларида, балки жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча нуқталарида улар фаоллигига эришамиз.

Конференцияда кун тартибидаги барча масалалар юзасидан ҳисоботлар тингланди. Мавжуд камчиликлар рўй-рост айтилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Бухоро:

Мақсад ва ғояларимиз

фаолиятимизда акс этсин

ЎзМТДП вилоят кенгашининг конференцияси кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Усмонов делегатлар ва партия фаоллари эътиборини сайловларда иштирок этиш учун партия вилоят ташкилотининг имкониятлари қай даражада эканлигига қаратди. Ушбу муҳим сиёсий тадбирга шу кунгача етарлича ҳозирлик кўрилган бўлса-да, аммо номзодлар билан ишлаш кўнгилдагидек эмаслигини қайд этди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Б.Норбоев депутатлик гуруҳи фаолияти ҳақида гапирар экан, депутатлар амалга оширган ижобий ишларни санаб ўтиши баробарида вилоят миқёсидаги баъзи муаммоларнинг ечимини топишда депутатлик гуруҳига уюшқоқлик ва ташаббускорлик етишмаётганини афсус билан гапирди. Бу камчиликларни тузатиш учун бу йилги сайловга кучли билим ва юқори тажрибага эга бўлган кадрларнинг номзодларини депутатликка кўрсатиш лозимлигини таъкидлади.

- 2009 йилнинг ўтган даврида партия вилоят кенгашининг учта пленуми ўтказилди,- деди маъруза қилган Назорат-тафтиш комиссияси аъзоси М.Шаропов. - Уларда 10 дан ортиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди. Бундан кўзланган мақсад, асосан партия вилоят кенгаши фаолиятини жонлантириш, туман ва шаҳар кенгашларининг ҳисоботларини эшитиш, улар фаолиятига баҳо бериш ва шу орқали мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг самарали чора-тадбирларини излаб топишдан иборат бўлди. Айтиш мумкинки, Давлат дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган ЎзМТДП вилоят кенгаши ишлари яхши йўлга қўйилган. Вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларининг йиллик, чораклик, ойлик ва ҳафталик иш режалари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда мазкур иш режалари асосида фаолият олиб борилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова, жумладан, шундай деди:

- Бугунги анжумандан мақсад босиб ўтган йўлимизга бир қур назар ташлаш ва келгуси фаолиятимиз учун зарур хулосаларни чиқариб олишдир. Вилоятда партия аъзолари сони 7574 нафарни ташкил этиши ёмон кўрсаткич эмас. Лекин мақсадимиз миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, қайта тиклаш экан, Бухоронинг ҳар қаричи бир тарихлигини инобатга олсак, мазкур ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларимиз партия вилоят ташкилотига катта масъулият юклайди. Бунинг учун аъзолар сонидаги бу куч ва салоҳиятни албатта, етарли деб бўлмайди. Қолаверса, биз жуда катта масъулият талаб қиладиган жараёнлар олдида турибмиз. Бирбиримизни қаттиқ назорат ва фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб боришимиз келгусида ўз самарасини беради. Жумладан, номзодларга йўл-йўриқ кўрсатиш, сайловолди дастурларини тузишга кўмаклашиш, партия платформасини сайловчиларга содда тилда етказиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, мақсад ва ғояларимиз халқимизга тушунарли бўлсин. Шунингдек, номзодлар билан сайловчилар учрашувларини мақбул режаларини ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир,- дея ўз тавсияларини бериб ўтди нотиқ.

Шундан сўнг конференцияда ЎзМТДПнинг Съездига делегатлар сайланди. Музокарада сўзга чиққанлар ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашининг ўтган даврдаги фаолиятини қониқарли деб топишди. Конференция сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

САРҲИСОБ

Партия конференциялари:

Фаолиятимиз кўзгуси

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари конференцияларида партиямиз фаолияти кенг ҳамда танқидий таҳлил этилди

Тошкент:

Дастурий мақсад ва вазифалар исботи

ҳар бир ишда кўринсин

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг II-конференциясида партия МК ва шаҳар кенгаши аъзолари, делегатлар, партия фаоллари, ЎзМТДПдан халқ депутатлари маҳалий кенгашларга сайланган депутатлар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияни ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Рустам Қосимов кириш сўзи билан очди. Етакчи асосий эътиборини жорий йилда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига қаратиб, катта сиёсий тадбир ҳар бир партия ташкилоти ва аъзоси зиммасига масъулиятли вазифалар юклашини таъкидлади. Сайловга пухта тайёргарлик кўриш, унда бор имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш эса кўпчилик сайловчилар ишончини қозонишга олиб келишини, бунинг учун эса ҳамма партия фаоли бирдек ҳаракат қилиши лозимлини айтиб ўтди.

Конференцияда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг 2005-2009 йил оралиғида барча соҳаларда амалга оширган ишлари, 2008-2009 йиллардаги партия фаолиятини ўрганиш натижасига кўра Назорат-тафтиш комиссиясининг қисқача ҳисоботи каби бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққан маърузачилар томонидан айтиб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида ташкилот фаолиятида ютуқлар билан биргаликда, бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Улар туман партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган ҳамда партия дастурий мақсад ва ғояларини тарғибот-ташвиқот қилишнинг асосий воситаси ҳисобланган тадбирларда акс этмоқда. Баъзи тадбирлар савияси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Уларнинг айримларида бир хиллилик, кўчирмачилик ҳоллари кўзга яққол ташланади. Шунингдек, айрим туманларда расмий ҳужжатлар йиғма жилдлари мавжуд эмас, партия аъзолик бадалларини тўлаш масаласида йўл қўйилаётган камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. ЎзМТДП Чилонзор туман кенгашида аъзолик бадалларини тўлаш 28 %га, Сирғали туманида 38 % га, Собир Раҳимов туманида 54 % га амалга оширилган.

Баҳс-музокараларда сўзга чиққан партия шаҳар кенгаши аъзолари Н.Жўраев, О.Қозоқов, Н.Абдуазизова, А.Умаров сиёсий партияни синовдан ўтказадиган сайловга пухта тайёргарлик кўриш, бунда баҳамжиҳат иш олиб бориш зарурлиги ҳақида фикр билдириб, бу ЎзМТДПнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

- Ҳисобот даврида партия фаолияти янада шаклланди, аъзолари кўпайди, уларнинг салмоғи ортди. "Бирники мингга, мингники туманга" деганларидек, барчамиз бирдамлик ва жипсликда ҳаракат қилишимиз керак,- деди ЎзМТДП Сирғали туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шавкат Ибрагимов. - Сайловлар жараёнида ҳар биримиз бунинг уддасидан чиқа олсак,натижа ҳам шунга яраша бўлади. Конференция сўнггида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қашқадарё:

Тарғибот-ташвиқот ишлари

ўз изчиллигини йўқотмаслиги керак

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши конференциясида дастлаб ЎзМТДП вилоят ташкилотининг ўтган йиллардаги фаолияти ва жорий "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар тўғрисида партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ойниса Очилованинг ҳисоботи тингланди.

- Аввалги ҳисобот сайлов йиғилишларидан буён орадан салкам 5 йил вақт ўтди,- деди етакчи. - Бу давр ичида нафақат партиямиз, балки бутун мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилди.

Вилоят кенгаши томонидан ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда вилоятнинг турли ҳудудларида ҳар йили 3-4 та йирик форумлар, ўйингоҳларда турли ёшлар фестиваллари, юзлаб учрашувлар ва маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил қилинди. Биргина жорий йил Касби туманида ўтказилган "Баркамол ёшлар - обод Ватан келажаги" мавзусидаги тадбирда "Ўзбекистон ёш томошабинлар" театрининг иштироки фестивалнинг кўтаринки руҳда ўтишига ҳисса қўшди. Партиямиз томонидан ўтказилаётган ҳар бир тадбирлар олдидан ташкил қилинаётган зардўзлик, кулолчилик, касаначилик ва бошқа йўналишлардаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, айниқса, бу кўргазмаларда ёшларнинг ўз ишлари билан қатнашаётгани, партия томонидан рағбатлантирилаётгани иштирокчиларда катта таассурот ва қизиқиш уйғотмоқда.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ЎзМТДП депутатлар гуруҳи раҳбари Инобат Каримова маъруза қилди.

- Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ўтмишни ўрганиш, қадриятларимизни тиклаш, маданий бойликларимизни келгуси ёш авлодга етказишдек хайрли ишлар мавсумий эмас ва ҳеч қачон тўхтаб қолмайди,- деди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Чоршанби Рўзибоев. - Мамлакатимизнинг турли вилоятларида муқаддас қадамжолар, обидалар қайта тикланаётганлиги, таъмирланаётганлиги, тарихи батафсил ўрганилаётганлиги, буюк зотлар меъроси эъзозланаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Халқимиз ва ҳукуматимиз томонидан обод этилаётган, ўз асл ҳолига қайтарилаётган тарихий жойлардан бири "Лангар ота" зиёратгоҳидир. Вилоятнинг Қамаши туманидаги ушбу ёдгорлик, халқимиз ўтмишининг нурли саҳифаларидан биридир, десак янглишмаймиз.

Даврлар силсиласи, буҳронлари ушбу қадамжони ҳам четлаб ўтмади. Узоқ йиллардан буён эътибордан четда қолган мақбара таъмирга, эътиборга муҳтож бўлиб қолди. Депутатлик фаолиятим давомида зиёратгоҳни таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, унга элтувчи йўллар ва пиллапояларни созлашга жиддий эътибор қаратиб, ҳомийлар орқали зарур маблағ ва куч жалб этилди. Ҳозирда бажарилган ишлар кўлами катта. Шу боис кундан-кун зиёратчилар сони ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, хорижий давлатлардан Ўзбекистонга, яъни "Лангар ота" зиёратгоҳига тўғридан-тўғри келаётган туристлар сони ҳам кўпаймоқда. Бу эса зиёратгоҳ учун келиб тушадиган маблағнинг ошиб боришига сабаб бўлаётир. Илгари бир ойда 200-300 минг сўм маблағ қадамжо ҳисобига келиб тушган бўлса, қилинган саъй-ҳаракатлар эвазига бу кўрсаткич 4-5 миллионни ташкил этмоқда. Бу маблағлар эвазига зиёратгоҳда кенг кўламдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари мунтазам давом эттирилиб, "Лангар ота" зиёратгоҳи кундан-кун чирой очиб, яшариб бормоқда.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Назорат-тафтиш комиссияси раиси Ф. Низомовнинг маърузаси тингланганда сўнг, ЎзМТДПнинг II-Съездига делегатлар сайлаб олинди. Конференцияда иштирок этган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев ўз сўзида ЎзМТДП вилоят ташкилоти томонидан бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳамда партия олдида турган сиёсий жараён, яъни, сайловга тайёргарлик, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлигига муносиб номзодлар кўрсатиш масаласига тўхталиб ўтди.

Жиззах:

Таъсирчанлик ва самарадорлик ошади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг конференциясида асосий эътибор партия ташкилотларида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилди. Самарадорликка эришиш учун вилоятдаги мавжуд ҳудудий партия ташкилотлари нималарга эътибор қаратиши зарур, олиб борилаётган ишлар натижаси давр олдимизга қўяётган талабларга жавоб бера оладими қабилидаги саволлар муҳокама марказида бўлди.

Ҳозирги кунда 13 та туман ва шаҳар партия ташкилотлари, 6597 нафар аъзо, 199 та бошланғич партия ташкилотига эга бўлган вилоят кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли байрам ва ҳомийлик акциялари, 500 га яқин маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий мавзуларда тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилган. Лекин бу кўрсаткичлар партия ташкилоти томонидан қилинаётган ишлар самарадорлигини белгиламайди. Партия олдида турган масъулиятли вазифалар эса, ғалвир сувдан кўтарилгани каби, сайловлар жараёнида яққол намоён бўлади. Сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғида партия томонидан аҳоли моддий ва маънавий фаровонлиги йўлида қилинган ҳар бир иш, айнан сайлов пайтида ўз эътирофини топиши шубҳасиз.

- Мамлакатимизда сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларини чуқурлаштиришнинг муҳим омилига айланди. Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шарт-шароитлар қилиниб, фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг ишончли кафолатлари яратилди. Одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини тобора юксалиб бориши сайловда партия ва унинг номзодига овоз беришдаги талабининг ошишини билдиради,- деди конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Абдураҳим Султонов. - Шу талаблардан келиб чиқиб, фаолиятимизни танқидий баҳоласак, туман ва шаҳар кенгашлари, БПТлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлар гуруҳлари томонидан бугунгача олиб борилган ишлар кўлами бу жиҳатларга эришишда ишимизда кўпгина хато ва камчиликлар борлиги ойдинлашади. Масалан, ўтказилаётган тадбирлар фақат партия фаоллари билангина чегараланиб қоляпти, уларга аҳолининг барча қатламлари кенг жалб этилмаяпти, партия ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам баъзи ташкилотлар томонидан сусткашликка йўл қўйиляпти.Олдимизда турган вазифалар эса хатолардан оқилона хулоса чиқариб, ишларни янада яхшилашни тақозо этади.

Анжуманда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев иштирок этди.

Конференция ишида кун тартибидаги барча масалалар чуқур таҳлил этилди. Бу борада партия фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, уларни амалга оширишга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сирдарё:

БПТлар сонини янада кўпайтириш талаб этилади

Сирдарё вилоятида бугунги кунда партиянинг 163 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Сафимизда ЎзМТДП дастурий мақсадларини амалга ошираётган, электорат манфаатларини ҳимоя этаётган партиядошларимиз кўпчиликни ташкил этади.

ЎзМТДП вилоят кенгашининг конференциясида ҳам делегатлар томонидан ҳудудий партия ташкилотларининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти чуқур таҳлил этилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан маъруза қилган партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фарход Норматов вилоят кенгаши томонидан ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларининг бажарилиши ҳақида батафсил тўхталди. Маърузада таъкидланганидек, вилоят партия ташкилоти томонидан ёшларимиз онгига истиқлол ғояларини сингдириш, келажагимиз эгаларида миллий анъаналар ва қадриятларимизга содиқлик руҳини юксалтириш борасида амалий ишлар бажарилган.Вилоят ёшларининг сиёсий дунёқарашини, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида вилоят кенгаши қошида "Ёшлар клуби" ташкил этилган ва унда машғулотлар ҳар ойда бир марта мунтазам ўтказиб борилади. Клубга партиянинг энг фаол аъзолари, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар жалб этилиб, улар партиямизга эндигина аъзо бўлган ёшлар билан давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказмоқдалар. Вилоят кенгаши томонидан иқтидорли жамоатчи ўқувчи-ёшлар учун партия стипендияси жорий этилганлиги ҳам амалий ишлардан бири саналади. Шунингдек, вилоятдаги 12 та умумтаълим мактаблари партия фаоллари томонидан оталиққа олиниб, спорт майдончалари қуриб берилди. Уларда ёшлар ўртасида кўплаб спорт беллашувлари мунтазам равишда ўтказилиб борилди.Жумладан, Сайхунобод, Сирдарё, Гулистон, Боёвут туманлари, Янгиер, Ширин шаҳарларида партиянинг махсус кубоклари ташкил этилиб, ёш спортчилар, вилоят кенгашининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, ташкилот томонидан ҳисобот даврида вилоят хотин – қизлар қўмитаси, "Камолат" ЁИҲ вилоят кенгаши, вилоят Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда 600 дан ортиқ давра суҳбатлари, хайрия марафонлари, маънавий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ўтказилди.

Конференцияда вилоят кенгаши фаолиятида ўтган давр давомида ютуқлар билан бирга, бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам алоҳида қайд этилди. Хусусан, БПТлар сонини ошириш, аъзолар сафини кенгайтириш ишларига ЎзМТДП Ховос туманида, Ширин шаҳри партия ташкилотларида эътибор қаратилмаган. Туманда бугунги кунда бор-йўғи 9 та БПТ тузилиб, партияга аъзо бўлганлар сони эса 300 нафарни ташкил этади. ЎзМТДП Сардоба тумани кенгаши фаолиятида эса кадрлар қўнимсизлиги кўзга ташланади.

Анжуманда партия халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятига ҳам танқидий баҳо берилди. Партиядан вилоят кенгашига 9 нафар, туман ва шаҳар кенгашларига эса 63 нафар депутат сайланган. Таъкидланишича, партия депутатлик гуруҳлари электорат манфатларини ҳимоя этиш борасида фаоллик кўрсата олмаяптилар. Аслида жойлардаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, кенг омма ўртасида партиямиз мақсад- вазифаларини тарғиб қилиш ва нуфузини ошириш борасида депутатлар гуруҳининг ўрни каттадир.

Конференция ишида вилоят партия ташкилотининг 2005-2009 йиллардаги иш фаолияти қониқарли деб топилди. Конференцияда ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Анжуманда ЎзМТДП II-Съездига делегатлар сайланди, кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент вилояти:

Ўзаро тажриба – фаоллик мезони

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши конференциясида вилоят кенгаши аъзолари, туман ва шаҳарлардан вилоят конференциясига делегат этиб сайланган партия фаоллари, депутатлар иштирок этишди.

Конференцияда ЎзМТДП вилоят кенгаши томонидан сайловдан сайловгача бўлган 2005-2009 йиллар ичида электоратни шакллантириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини, аъзоларнинг фаоллигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Ҳисоботда таъкидланишича, партиянинг барча йўналишдаги фаолиятини кенгайтириш, партияга янги аъзолар қабул қилиш юзасидан амалий тадбирлар ўтказилган.

Бугунга келиб вилоят кенгаши тасарруфида 4500 дан ортиқ аъзолар бўлиб, уларнинг 53 фоизини аёллар, 42 фоизини эса ёшлар ташкил этади. Ўтган 9 ой мобайнида Партия Устав ва Дастурида белгиланган йўналишлар, мақсад-вазифаларни амалга ошириш юзасидан вилоят кенгаши қатор чора-тадбирларни белгилаб, узлуксиз амалга ошириб борди. "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" томонидан партия сафини фаол ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кўпайтириш, уларнинг жамиятда ўз ўрниларини топишларига эришишга қаратилган илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Партиянинг депутатлик гуруҳи мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобларининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида маҳаллалар, айниқса, ёшлар ўртасида учрашув, давра суҳбати ва жонли мулоқотлар ташкил этди.

Ўтказилаётган тадбирларнинг салмоғи ошишида ва аҳолининг партия ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишида бошланғич партия ташкилотларининг ўрни катта албатта. Мисол учун, Ўрта Чирчиқ туман Алишер Навоий МФЙдаги бошланғич ташкилотида 300 дан ортиқ партия аъзолари фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоят партия кенгашида 96 та бошланғич ташкилотлар мавжуд.

Бу рақамни вилоятдаги барча туманлар миқёсида тақсимлайдиган бўлсак, баъзи туман кенгашлари таркибида улар сони 2 та ёки 3 тани ташкил этади.

Бундан кўринадики, ушбу туманлардаги фаолият ўта ачинарли аҳволда. Конференцияда фаолияти яхши ташкилотлар мазкур туманлардаги партия фаоллари билан тажриба алмашишлари келгусида ўзининг ижобий натижасини бериши таъкидлаб ўтилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

САРҲИСОБ

Партия конференциялари:

Фаолиятимиз кўзгуси

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари конференцияларида партиямиз фаолияти кенг ҳамда танқидий таҳлил этилди

Навоий:

Сарҳисоб – муваффақиятлар гарови

бўлиб хизмат қилади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг II-конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, ЎзМТДП туман ва шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Йўлдошмурод Жўлиев очар экан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига қизғин тайёргарлик кетаётгани ва бу жараён сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятида ҳам акс этаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, нотиқ кун тартибидаги ЎзМТДП вилоят кенгашининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масала юзасидан маъруза қилиб, жумладан, ташкилотнинг жорий йил ўтган тўққиз ойи мобайнидаги фаолиятини танқидий баҳолади.

— 2009 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоятда партия аъзолари сони 3025 нафарни, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 150 тани ташкил этади. Айни дамда фаолиятимизда мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этишининг бош омили сифатида кадрлар малакаси ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган ишларни янада жонлантиришимиз лозим. Буни олдимизда турган муҳим сиёсий жараён ҳам талаб этади,-деди жумладан нотиқ.

Конференцияда ЎзМТДП вилоят кенгаши Назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти юзасидан комиссия раиси Эркин Шарипов ҳисоботи тингланди. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлар гуруҳининг фаолияти тўғрисида депутатлар гуруҳи раҳбари Шуҳратилла Норов, партия ташкилотларининг олдида турган муҳим вазифалар юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Юсупов маъруза қилдилар.

Конференцияда ЎзМТДП вилоят кенгаши Назорат-тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар ЎзМТДП II-Съездига тавсия этилди ва халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар кенгашига номзодлар тасдиқлаб олинди. Шунингдек, ЎзМТДП II - Съездига делегатлар сайланди.

Сурхондарё:

Холис баҳо ижобий ўзгаришларга омил бўлади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши конференциясида ЎзМТДП МК, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, делегатлар шунингдек, республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияни очган ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Муҳиддин Абдуллаев вилоят партия ташкилотининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти хусусида маъруза қилди.

- Бугунги кунда вилоят таркибига 389 та бошланғич партия ташкилоти ва 14091 нафар партия аъзолари бирлашган. Партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, сафимизга муносиб, фидойи аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлашни таъминлаш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, Давлат дастурларида кўрсатилган устувор вазифаларни амалга оширишда иштирок этиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш асосий иш мезонимизга айланиб боряпти,- деди нотиқ.

Шунингдек, конференция кун тартибидан ўрин олган халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи фаолияти муҳокамаси чоғида партиядан халқ депутатлари вилоят кенгашига 9 нафар, туман ва шаҳар кенгашларига 55 нафар депутатлар сайлангани қайд этилди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққанлар партия депутатлик гуруҳи фаолиятини жонлантириш уларнинг ташаббускорлиги ҳамда жамоатчилик назоратига оид кўникмаларини янада ошириш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу билан бирга 2008-2009 йиллардаги партия вилоят кенгашининг фаолиятини ўрганиш натижасига кўра, Назорат-тафтиш комиссиясининг қисқача ҳисоботи тингланди ва вилоят партия ташкилотининг айрим бўғинларида таркибий-ташкилий ўзгартириш ишлари ҳам белгилаб олинди. Кун тартибидан жой олган масалалар юзасидан сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Арслон Эшмуродов, Панжи Жўраев, Жума Чоршанбиев, ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзоси Беқмурод Қодиров партия ташкилотининг 2005-2009 йиллардаги фаолиятида эришилган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар юзасидан таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар. Анжуманда келгусида партия ташкилоти олдидаги масъулиятли вазифаларни бажариш юзасидан режалар белгилаб олинди.

Муҳокамалар ниҳоясида кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарғона:

Қонун берган имтиёз ва ваколат

амалда ўзини оқлаяптими?

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонун асосида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари учун берилган ваколат ва шу билан бирга юкланган катта масъулият улар фаолиятида ташаббускорликни ошириш, депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этади. Хўш, бугун депутатлик гуруҳлари партия дастурий мақсадларини амалга оширишда қай даражада ҳисса қўшяпти? Улар фаолиятидаги муаммо ва камчиликлар нималарда кўриняпти? Бу каби саволлар ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши конференциясида муҳокама марказида бўлди. Унда қатнашган партия вилоят кенгаши аъзолари, партия туман ва шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, фаолларнинг эътибори партия ҳудудий ташкилотлари билан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолатига қаратилди.

Анжуманни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Набижон Собиров бошқарди. Вилоят партия кенгаши раҳбари маърузасида бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолиятида жамоатчилик назоратига оид кўникмаларнинг яхши шаклланмагани, уларда ташаббускорлик ва изланувчанлик етишмаётгани қаттиқ танқид остига олинди.

Конференция ишида ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова иштирок этиб, партия ташкилотининг молиявий хўжалик йўналишларида, аъзолик бадалларини йиғиш ва уни махсус ҳисоб рақамлари орқали реализация қилиш масаласида камчиликларга йўл қўйилганлигини, мазкур сабаблар юзасидан вилоят партия ташкилотининг айрим бўғинларига таркибий ташкилий ўзгартишлар киритиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, унда сайловга жиддий тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ўтказиш юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Наманган:

Сифат ва сондаги уйғунлик

муваффақиятга эриштирувчи омил

Бугунги кунда 4510 нафар аъзога эга бўлган ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашида аъзолар таркибини сон ва сифат жиҳатдан кўпайтиришга эришиш ташкилот олдида турган муҳим вазифалардан бири саналиб, партия фаолларидан бу борада амалий саъй-ҳаракат қилишни тақозо этади. Чунки, аъзолар сафи жойларда партия мавқеи ва нуфузини белгилаб беради. Ушбу муҳим масала конференцияда муҳокама қилинган асосий мавзу бўлди.

Йиғилишда ЎзМТДП вилоят кенгашининг 2005-2009 йиллардаги ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳининг фаолиятлари юзасидан вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, партия депутатлик гуруҳи раҳбари Ш.Деҳқонов маъруза қилиб, вилоят ташкилоти томонидан ўтган 5 йил давомида қилинган ишларда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, қатор камчиликлар ҳам учрашини айтиб ўтди. Мисол учун, аъзолар сафини кенгайтириш, хайрихоҳларимиз сонини кўпайтириш бўйича партия ҳудудий ташкилотлари томонидан кутилган натижаларга эришилмади. Айрим туман кенгашларида ташкил этилган тадбирлар юзакилиги, хўжакўрсинга ўтказилганлиги туфайли жойларда партиянинг мақсад ва ғоялари тарғиботи самарасиз кечган. 2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда ҳам жуда кам депутатлик ўрнига эга бўлингани ана шундай эътиборсизлик оқибатидир. Партиянинг халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 8 нафардан иборат депутат бирлашган депутатлик гуруҳи томонидан вилоят кенгаши сессияларига турли масалалар киритилиб, улар муҳокама этилган, тегишли қарорлар қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланган. Аммо, айрим депутатлар томонидан бутун фаолияти давомида ҳеч қандай муаммолар кўтарилмагани, сессияларда улар томонидан бирор маротаба чиқишлар қилинмагани ачинарли ҳолдир.

Йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан партиянинг кейинги фаолиятида бу каби камчиликларга йул қўймаслик учун ишларни тўғри ташкил қилиш, шунингдек, яқинлашаётган сайловларда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлигига энг муносиб номзодларни кўрсатиш ва кўпчилик ўринни эгаллаш, ҳудудий ташкилотлар фаолларининг масъулиятини янада ошириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Конференцияда ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари Арслон Эшмуродов сўзга чиқиб, партия фаоллари олдида турган муҳим вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хабарларни "Milliy tiklanish" мухбирлари Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, Дилноза ҲАЙИТОВА, Ориф ХОЛИҚУЛОВ, Рўзибой МАТКАРИМОВ, Маннон ОТАБОЙ, Илья ДИЛЬМАНОВ, Ёқубжон ЭРГАШЕВ, Анорбой НОРҚУЛОВ, Шерзод ҚУРБОНОВ, Парда ЖУМАЕВ, Алишер РАҲМОНОВ тайёрлади

ОБОДЛИК – КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Самарқанд янада сайқал топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги барпо этилган маданият ва санъат муассасалари, шифохоналар, спорт иншоотлари, меҳмонхоналар, магистрал йўллар, маҳобатли кўприклар, ям-яшил ва сўлим хиёбону майдонлар, истироҳат боғларию, жаҳон андозасидаги бозорлар, янги мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари Самарқанднинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Янги давр шарофати билан Самарқанд чинакамига яшариш ва яшнаш фаслига ўтди.

Маърифатли кишиларнинг эътироф этишларича, Амир Темур бобомиздан кейин авлиёлар, алломалар, тарихий шахсларга ҳеч қачон ҳозиргидек эҳтиром ва эътибор кўрсатилмаган. Авлиёларимиз, алломаларимиз, бир сўз билан айтганда аждодларимизни танидик, уларни эмин-эркин зиёрат қила бошладик, хоку туроблари таъмирланди, қайта қурилди, руҳлари шод бўлди ва бой маънавий мероси ўрганила бошланди.

Шаҳарнинг тор, эгри-бугри йўллари, ташландиқ харобалари кафтдек текисланиб, бир неча баробар кенгайтирилди, нураб кетган кулбалар ўрнида кўркам бинолар қад кўтарди, янги зиёратгоҳлар, оромгоҳлар барпо этилди.

Шаҳар марказида қадимий Наводан ариғи бўйида катта-кичик гумбазлардан иборат мақбара бўларди. Унинг атрофи тартибсиз, ташландиқ ҳолатда, ароқ ва таъмирлаш механика заводи қуршовида қолганди. Тор, эгри-бугри йўлдан ўтадиган кишилар гумбазлари нураб, деворлари захлаб, қаровсиз қолган мақбарани деярли билмас эди. Мутасаввуф аллома, шайх Бурхониддин Соғарчи ва унинг ўғиллари қўйилган бу азиз қадамжо атрофи ободонлаштирилди. Аввал Амир Темур (Гўри Амир) мақбараси тўлиқ қайтадан таъмирланди. Мақбара атрофи кенгайтирилиб, ободонлаштирилди. Ароқ заводи бошқа жойга кўчирилиб, қадимий шифобахш чашманинг кўзи очилди. Атрофига ям-яшил майсалар, турфа гуллар, манзарали дарахтлар экилди, равон йўлакклар, замонавий ёритгич ва ўриндиқлар шаҳар чиройига чирой қўшди, бетакрор тароват бағишлади. Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган бу гўша Руҳобод хиёбони деб атала бошланди. Бир томони АмирТемур хиёбони, бир томони Кўксарой майдони, кунботар томони улкан чинор ва турфа гуллар барқ уруб турган университет хиёбони, рўпарасида Самарқанднинг ўтмиши ва бугунидан дарак берувчи Регистон ва Сўзангарон даҳасидан иборат бу марказий хиёбон қисқа муддат ичида ободонлаштирилди. Соҳибқирон бобомизнинг ҳайкали салобат билан юртимизга тинчлик, Ватанимизга равнақ, халқимизга фаровонлик тилаб тургандай. Ҳайкал атрофида ғоят кўркам фавворалар барпо этилди. Айни шу ерда ўтмиш билан бугунни уйғунлаштирган мукаммал лойиҳа ва ландшафт архитектураси намоён бўлди.

Шаҳарнинг ям-яшил, турфа гулларга бурканган боғу роғлари, шаҳар бағридаги зиёратгоҳ гўшалар ҳамиша одамлар ва меҳмонлар билан гавжум. Қаерга йўлингиз тушмасин, Самарқанднинг кўрку тароватига ҳайрат ва ҳавас билан термулиб турган сайёҳларга дуч келасиз. Йил сайин ободликка юз тутаётган, бунёдкорлик ва яратувчилик майдонига айланган шаҳар чинакам маънода миллий ғуруримиз тимсоли сифатида намоён бўлмоқда.

Самарқандни илк бор кўрган машҳур болқар шоири Қайсин Қулиев ҳаяжонланиб шундай деган экан: «Регистон майдони, Гўри Амир, Шоҳизинда, Бибихоним масжиди каби санъат ва меъморчилик обидалари қайси мамлакатда бор? Мен Тожмаҳални, Қизил Фротни кўрганман, дунёдаги бошқа архитектура ёдгорликларини томоша қилганман, лекин Самарқанддаги обидалар ҳаммасидан зиёда».

Шу ўринда Самарқанд чиройига чирой қўшиб, шаҳар ҳавосига мусаффолик бахш этиб турган фавворалари тилга олмаслик мумкин эмас. Бугун Самарқанддаги 167 та фаввора шаҳарга ажиб кўрк ва улуғворлик бахш этиб турибди. Айниқса Регистон, Руҳобод майдонидаги, университет хиёбонидаги гўзал фавворалар Амир Темур ҳайкали салобатига уйғунлашиб кетганлиги, бетакрор кўриниши кишини мафтун этади. Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Самарқанд шаҳрининг 2025 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош лойиҳаси асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир. Эзгу ниятлар билан қад ростлаётган бундай гўзал меъморий иншоотлар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кўзгусидир.

Бу фавворалар Республика ва халқаро миқёсдаги кўплаб йирик анжуманлар, Халқаро Шарқ тароналари фестивали қатнашчилари ҳамда кўплаб сайёҳларни ҳам мафтун этаяпти. Бундан ташқари истироҳат боғлари, темир йўл вокзали, аэропорт ҳамда "Афросиёб-Палас", "Президент-отел" меҳмонхонаси бағридаги фавворалар ўзига хос дизайн, ранг-баранг чироқлар ёғдуси — мураккаб муҳандислик қурилмалари асосида бунёд этилганлиги билан диққатга сазовордир.

Университет хиёбони, Руҳобод хиёбони, Регистон майдонидаги муҳташам фавворалларга 127 та сув пуркагич ҳамда камалак рангда товланувчи катта-кичик ёритгичлар ўрнатилган.

- Шаҳримизнинг сўлим гўшалари бўлган Руҳобод хиёбони, Регистон майдонида сайр қилиш биз кексаларнинг жону дилимиз,- дейди саксон ёшли отахон Абдужаббор бобо.

Кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда йўл тежамкорлиги, қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бош лойиҳа асосида Самарқанд шаҳрида учта ҳалқа йўли барпо этилди. У Тошкент-Термиз йўналишига қўшиладиган катта ҳалқа йўли, Қарши, Бухоро-Тошкент йўналишидаги ўрта ҳалқа йўли ва шаҳар ичкарисидаги кичик ҳалқа йўлидан иборат.

Шаҳар аэропорти ҳудуди энг сўнгги замонавий меъморий лойиҳалар асосида қайта қурилди. Бугунги кунда унинг хизмат кўрсатиш тизими жаҳон андозалари даражасида дейиш мумкин. Бу ердаги шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган айрим бинолар кўчирилди. Ям-яшил майсалар, гул ва манзарали дарахтлар ўтқазилиб, майдон тўлиқ ободонлаштирилди.

Худди шундай реконструкция ва таъмирлаш ишлари шаҳар темир йўл вокзалида ҳам амалга оширилди. Бу ерда ўзига хос дизайнда беқиёс ва гўзал майдон барпо этилди. Йўл ва йўлаклар кенгайтирилди, атрофига чиройли панжарали тўсиқлар ўрнатилди, гул ва манзарали дарахтлар экилди. Транспорт воситаларининг тўхташ жойи, одамларнинг сайр қилиб, дам оладиган жойлари қайтадан қурилди. Шунингдек, Рўдакий кўчасидаги савдо ва умумий овқатланиш нуқталари муносиб жойга кўчирилиб, ободонлаштирилди. Кўчанинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Мавжуд бинолар, савдо шахобчалари замонавий услубда қайта реконструкция қилинди. Коммуникация хизматлари янгиланди. Замонавий ёритиш ускуналари, дам олиш ўриндиқлари ўрнатилди. Шаҳар кўчаларида шу ерда тайёрланаётган микроавтобуслар қатнай бошлади, замонавий ва қулай бекатлар пайдо бўлди. Кўчаларга тунги пайтда юриш учун қулай бўлган ёритиш воситалари ҳамда тунги иллюминациялар ўрнатилди.

Фақат канализация тармоғи билан боғлиқ муаммолар ечими учун турли манбалар ҳисобидан 21,0 млн. АҚШ доллори миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилган. Бу борада дастлабки ишлар Амир Темур мақбараси, Сўзангарон, Регистон ва Панжоб кўчаларида амалга оширилмоқда.

Режа асосида Амир Темур, Руҳобод, Оқсарой, Улуғбек мадрасаси, Улуғбек обсерваториясида реконструкция ва таъмирлаш ишлари муваффақиятли якунланди.

Президентимизнинг айниқса мен Самарқанд халқига қарата, уни таърифлаб, ўзимнинг меҳрим, фарзандлик муҳаббатим ҳақида такрор ва такрор гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман. Ва бу табаррук тупроқ олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан, деган дил сўзлари бутун шаҳар аҳлини ҳаяжонга солди.

Самарқанд шаҳри жуғрофий жиҳатдан нотекис жойлашган. Шу боис биноларнинг ирригацион ҳолатлари қайта кўриб чиқилди, ноқонуний қурилишлар ўзгартирилди, йўллар ўртаси ва чеккасидаги суғориш тизимлари янгиланди, электр қувватини тежайдиган ускуналар ўрнатилди.

Беруний, Улуғбек, Спитамен шоҳкўчаларида ҳам беқиёс ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳозир бу жойлардан ўтган кишининг баҳри дили яйраб кетади. Рўдакий ва Бўстон сарой кўчалари кесишган жойда ҳам кишини ҳайратга соладиган ўзгаришлар рўй берди. Бугун Регистон кўчаси бўйлаб юрган киши ям-яшиллик, фавворалларнинг шалдираши, қуёш нурида ялтираган гумбазлар, кўкка бўйлашган миноралари кўриб ҳайратланиши шубҳасиз.

Тошкент кўчасида ҳам қисқа фурсат ичида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундан атиги уч ой олдин Тошкент кўчасида 137 та палапартиш жойлашган савдо шахобчаси фаолият кўрсатган бўлса, энди улар ўрнида замонавий савдо дўконлари барпо қилиниб, миллий ҳунармандчилик буюмлари, эсдалик совғалари билан савдо-сотиқ қилмоқда. Шунингдек, бу кўчада Шарқ ширинликлари, чойхона ва ошхоналарда миллий таомлар тайёрланади. Кўча бўйида жойлашган бошқа бино ва иншоотлар ҳам бош лойиҳа асосида таъмирланди. Бугунги кунда Тошкент кўчаси фақат пиёдалар учун мўлжалланиб, Регистон майдони ва Бибихоним масжидини боғлаб турувчи сайилгоҳга айланиб қолди. Самарқанддаги бозорлар, шифохоналар, истироҳат боғлари, таълим тизимларида ҳам беқиёс ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Самарқанд шаҳридаги ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишларини бирма-бир санаш ва таърифу тавсифлашнинг асло имкони йўқ. Чунки шаҳар кун ва йил сайин янгиланиб, кўркамлашиб, гўзаллашиб, янада чирой очиб ва сайқалланиб бормоқда.

МАЪНАВИЯТ

МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

XXI аср кутубхонаси

ҳозирги китобхон ўз кабинетидан туриб кутубхоналар фондидан керакли адабиётларни қидириш, уларга буюртма бериш, фойдаланиш – бир сўз билан айтганда, зиё маскани билан бемалол "мулоқот" қилиш имконига эга



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига қўйилган асосий вазифаларидан бири — универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрларнинг (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун имкониятлар яратишдир. Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказлари (АКМ) фонди 4,8 млн. нусхани, электрон каталоги эса 200 мингдан ортиқ ёзувни ташкил қилади, барча марказларнинг китобхонлари ZiyoNET ахборот тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ахборот-кутубхона жараёнини автоматлаштириш миллий тизими КАДАТА яратилди ва жойларда жорий этилмоқда. Бу тизимни қўлланиши аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради ва унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган. Бундан ташқари бу ўзимизнинг миллий маҳсулот бўлиб, хорижнинг шунга ўхшаш дастурларидан анча арзон.

Таҳлилларга кўра, 2008 йили Халқ таълими вазирлиги қошидаги ахборот-ресурс марказларида ўқувчи-ёшлар кўпроқ бадиий ва илмий оммабоп адабиётларга қизиқиш билдирган. Бу борада Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё вилоят ўқувчилари ҳар жабҳада – ҳам луғатлардан, ижтимоий-иқтисодий, педагогик, ўқув методик адабиётлардан фойдаланиш бўйича етакчилик қилишган. Шунингдек, ўтган йилда вилоятлар Халқ таълими вазирлиги қошидаги Ахборот-ресурс марказларида китобхонлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичларни Сурхондарё (15263), Қашқадарё (14150 нафар), Самарқанд (14096) ва Фарғона (12781) вилоятлари қайд этишган. Интернетдан фойдаланиш бўйича ҳам мазкур вилоятларнинг имкониятларини юқори. Аммо Қорақалпоғистон Республикасида китобхонлар сони 8640 нафарни ташкил этганини қандай баҳолаш мумкин? Бундай ҳолатлар Бухоро (5480), Сирдарё (5188), Жиззах (6900), Навоий (5995) вилоятларида ҳам кўзга ташланган.

Олинган маълумотларга қараганда, Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари китоб фондини тўлдириш мақсадида бир неча йилдан бери мактаб жамоаси, битирувчилар, ота-оналар, чет эл жамғармалари, давлат ва нодавлат ташкилотларни жалб қилган ҳолда "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари" хайрия тадбири ўтказиб келинмоқда. 2009 йилги тадбирда АРМларига 994.760 минг сўмлик бадиий адабиётлар совға қилинди. Осиё Ривожланиш банки маблағи ҳисобидан жорий йилгача 1000 та мактаб кутубхонаси ахборот-ресурс марказларига айлантирилди ҳамда 2 минг 803 долларлик техник жиҳоз, 475,0 минг долларлик кутубхоначилик мебели билан таъминланди. 2009 йилда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига маҳаллий ҳокимиятлар ёрдамида 9 миллион сўмлик адабиётлар олиб берилган.

Мутахассислар фикрича, ахборот-кутубхона тизимида эришилган ютуқлар билан бирга айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг аввало, ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларини босма ва электрон нашрлар билан бойитиш мақсадида молиялаштиришни ошириш, соҳадаги учлик — ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар ҳамкорлигини яхшилаш лозим. Яна бир муҳим масала — бу кутубхоначиларни ижтимоий муҳофазасидир. Бугунги кунда мазкур касб эгаларининг моддий таъминоти борасида муаммолар бор. Ваҳоланки, ҳозир кутубхоначи-ходимларга катта вазифалар юкланган. Улар бир ёки бир нечта чет тилларни ўзлаштирган, турли соҳа фанларидан билимларга эга, компьютер, интернет навигациясидан хабардор, янги технологиялар ёрдамида китобхонларга хизмат қила олувчи, автоматлаштирилган кутубхона тизимларида ишлай оладиган даражада бўлишлари лозим. Таъкидланган масалаларни тўлиқ ва тизимли равишда амалга ошириш, нафақат кутубхоналар, балки республика фани ва иқтисодиётининг янада жадал ўсишига ёрдам беради.

Республикамизда энг "отахон" кутубхоналардан бири бу — 1870 йилда ташкил этилган ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир. Ҳозирги кунда мазкур зиё маскани фондларида 10 млн. сақлов бирлигида ҳужжат бор. Шундан 3,5 миллионтаси Миллий китоб палатасида мавжуд нашрлардир. Шунингдек, кутубхонада Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертациялар ҳам сақланади, кутубхона фондида жаҳоннинг 70 тилида 370 минг нусхадан ортиқ китоблар бор (булар сирасига рус тилидаги адабиётлар кирмайди). Миллий кутубхона ҳам қоғоз, ҳам электрон кўринишдаги хорижий даврий нашрларга обуна бўлган. Ғарбий Европа ва Америка нашриётларининг илмий журналлари, электрон базасидан фойдаланиш учун "EBSCO Publishing", "ProQuest", "Emerald" каби компанияларнинг электрон журналлар ҳамда диссертациялар ва авторефератлар базалари шулар жумласидан. 2008 йилдан бошлаб кутубхона Россия Давлат кутубхонасининг диссертациялар электрон фондидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Тасаввур қилинг, бу фаннинг турли соҳаларига оид 300 мингдан ортиқ диссертацияларнинг тўлиқ матни, деган гап. Юқорида тилга олинган "EBSCO Publishing"да 22 000 дан зиёд илмий-таълимий журналларнинг 20-30 йиллик, ҳатто ундан ҳам кўп даврни қамраб олган тўлиқ тахламлари электрон шаклда тақдим этилади, ProQuest базаси 100 йил давомида инглиз тилида ёқланган 1,5 млн.дан ортиқ диссертация ва авторефератлар тўлиқ матнига эга. Кутубхонада электрон манбалардан ташқари ҳар йили ўрта ҳисобда 2 млн. 120 минг нашр нусхалари фойдаланувчиларга берилади. Китобхонларнинг асосий қисми эса ёшлардан иборат.

— Ахборот технологияларини ўз фаолиятига жадаллик билан татбиқ қилаётган жамоамиз кейинги йилларда "Китобхонларга масофадан хизмат кўрсатишнинг автоматлаштирилган тизимини" (КАРМАТ) жорий қилишга киришган, - дейди биз билан суҳбатда **кутубхона директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров**. — Китобхон ўз шахсий электрон кабинетидан туриб Миллий кутубхонанинг электрон каталоги орқали кутубхона фондидан керакли адабиётларни қидириш, уларга буюртмалар бериш ва буюртманинг қабул қилингани ҳамда бажарилиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин. Кутубхонага келмасдан туриб ҳам кутубхона фондидаги ресурслар тўғрисида маълумотлар олиш ва уларга буюртмалар бериш китобхонларнинг ҳам вақти, ҳам харажатини тежайди. 2009 йилда кутубхона фондларини бойитиб бориш ва электрон маълумотлар базаларини харид қилиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 444,5 млн. сўм ажратилган.

Республикамиздаги яна бир йирик маскан бу — "Турон" ахборот-кутубхона маркази бўлиб, эндиликда "Матбуотчилар" кўчаси 32-уйда, бир пайтлар "Шарқ" НМАКнинг газеталар биносидаги 3 минг квадрат метрдан иборат "Маданият саройи"да иш бошлади. Айни пайтда кутубхонада таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Шунга қарамай, "Турон" китобхонларни унутгани йўқ. Қироатхонага кираверишда ахборот-кутубхона марказининг тарихи акс этган. Бу ерда 400 минг нусхадан зиёд китоб жамғармаси бўлиб, шундан 70 фоиздан ортиғи турли соҳаларга оид адабиётлар ташкил этади, 1918 йилдан буён нашр қилинган газеталар жамланмаси, айни дамда чоп этилаётган 70 га яқин даврий нашрлар сақланмоқда.

— 1971 йил 25 август кунги воқеа сира ёдимдан чиқмайди,- дейди **кутубхона директори Вазира Собирова**. — Бу кутубхонадаги биринчи иш куним бўлиб, иттифоқо ўқув залига адибимиз Миркарим Осим кириб келди. Азбаройи хурсандчилигимдан ҳаяжонга тушганман. Айтмоқчиманки, бу маскан миллатимизнинг энг пешқадам зиёлиларининг "иккинчи уйи" бўлган, айниқса, Озод Шарофиддиновни алоҳида айтиш мумкин. Ҳозир бу ердан республикамизда чоп этилган барча газета-журналларни топишингиз мумкин. Мана бу "Муштум" ва "Саодат"нинг биринчи сонлари бўлиб, улар фақат "Турон"да бор!

Назира Болтаева, "Турон" ахборот-кутубхона бўлим бошлиғи: - Биз асосан тилшунослик, иқтисод, адабиётшунослик ва бошқа соҳалар бўйича ихтисослашган китобларни оламиз. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг талаб ва истаклари инобатга олинади. Масалан, ҳозир китобсеварлар томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида" (2008), "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари", Н.Абдуазизованинг "Миллий журналистика тарихи" (2008), Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдаин ва мажмаи баҳрайн", Ғ.Сотимовнинг "Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври", Озод Шарофиддиновнинг "Домлалар" асари кўпчилик томонидан алоҳида қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Назира Болтаеванинг айтишича, китоб ҳар биримизнинг энг севимли, "маънавий" дўстимизга айланиши лозим. — Баъзан,- дея куюниб гапирди суҳбатдошимиз. — Кўча-кўйларда ҳашаматли тўйхоналар, магазинлар қурилаётганига гувоҳ бўламиз. Тўғри, улар ҳам керак, аммо бугун шиддат билан ривожланаётган даврда ҳар биримиз кутубхоналар учун жон куйдиришимиз керак. Ахир, боламиз ҳам 1-синфдан қўлига китоб олади, ундан билим олади, ўрганади. Кутубхона, китоб мен учун шунчалик азиз бўлганки, биров китобни йиртса, юзимга тарсаки туширгандай бўлади.

Тошкентлик Шариф Юсупов мазкур кутубхонага 1966 йилда аъзо бўлган. Отахон нуроний бўлишларига қарамай, 43 йилдан буён "Турон"дан янги, ўзига хос китобларни қидириб, мутолаа қилади.

— Мен кўпроқ қадимий китоблар, классик асарларини катта қизиқиш билан ўқийман,- дейди Ш.Юсупов. — Илмда нимага эришган бўлсам, унда "Турон"нинг ўрни катта бўлди. Шунинг орқасидан ҳам номзод, ҳам доктор бўлдим.

Кутубхона ўзбек зиёлиларининг юрагига яқин жой, бошқача айтганда, олимлар бешиги бўлиб, инсонлар ўртасида маориф нурини таратиб келган. Бугунги кунда бу ердан фойдаланадиган одам нафақат китоб, балки компьютердан ҳам саводи бўлиши керак. Зеро, соҳага виртуал тармоқ, аудиовизуал ва интернетнинг кириб келиши алоқа ҳудудини янада кенгайтирди. Кузатувларга кўра, ҳозир ёшлар орасида ўз олдига аниқ мақсад қўйиб кутубхонага ташриф буюриш одат тусига кирмоқда. Бунинг сабабларидан бири сифатида айнан интернетни киритиш мумкин. Ҳозир бундай имкониятга эга кутубхоналарнинг интернет аудиторияси доимо ёшлар билан банд. Бугунги кунда одамларнинг тезкорлиги, манфаатлари ва аниқ мақсадлар сари интилиши ҳам ахборот олишнинг бир кўринишига айланиб улгурди. Гарчи замоннинг жадаллиги ҳам ўқувчиларнинг кутубхоналардан фойдаланиш вақтини қисқартирган бўлиши мумкин, шунга қарамай, бу жойнинг ўз ўқувчиси, зиёлиси бор.

Беҳбуд БОТИРОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Электрон дарсликлар ва электрон кутубхоналар, мультимедия тизимлари ва дастурлари яратилиш ишларининг ҳолати

№		Электрон дарсликлар, дастурлар			Мультимедия тизимлари ва дастурлар		
		2006	2007	2008	2006	2007	2008
1	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	47732	69016	83965*			
2	Халқ таълим вазирлиги	13	18	50	8	14	21
3	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази	49459	62802	101990	13628	16162	19179

*Электрон дарсликлар, мультимедия тизимлари ва дастурлар биргаликда

Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг бугунги аҳволи

		Кутубхона, АРМлар сони		Умумий фонд		Компьютерлар	
		2006	2008	2006	2008	2006	2008
1	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	44	44	2300186	10604901	769 (2007 йил м.б)	769
2	Халқ таълим вазирлиги	10087	101163	2509325	26387705	406	3206
3	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази	914	1335	1520892	29168262	831	2601

МУЛОҲАЗА

Саломатлик мезони

«Катта даромадли иш" ҳақидаги эълонлардан бири диққатимни тортди. Тез орада бойиб кетиш ниятида эълонда кўрсатилган манзилга йўл олдим. Маълум бўлишича, эълон берувчи хориждан келтирилган турли дори воситалари билан жисмоний кўринишидан кўнгли тўлмаган кишиларни даволаркан. Менинг вазифам эса унга мижоз топиб бериш-дан иборат эди...

Мижоз сонига қараб маош олишимни эшитиб бироз иккиландим. Тиббиётдан хабари бўлмай, ушбу соҳани бизнесга айлантириб олган "табиб"нинг мақсадини тушунгач, таклифдан воз кечдим. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз мол-давлат эвазига бошқалар соғлигини хавф остига қўяётганларнинг виждони қийналмайдими, деб ўйлаб қоламан...

Жамшидбек КАРИМОВ, Тошкент шаҳри".

Газетанинг ўтган (2009 йил 28 октябрь) сонида "Тиббий маданият: саломатлигимиз ўз қўлимизда" сарлавҳаси остида эълон қилинган мақола муштарийларимизга манзур бўлди, шекилли кўплаб таклиф-мулоҳазалар, ўрни келганда аччиқ гапларни ҳам айтишди. Тўғрида, нотўғри даволаниш, нафс домига тушиб бойлик орттириш илинжида виждонидан ҳам воз кечаётган баъзи бировларнинг қармоғига илиниб, пешона тери билан топган маблағини совуриш ҳолатлари кимнингдир ҳаётида учраётган экан, бизнинг бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан саналади. Юртбошимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари орқали соҳа тараққиёти учун асос яратилди. Жумладан, "Рационал овқатланиш, нон ва нон маҳсулотларини тежамкорлик билан истеъмол қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги, "Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қатор ҳужжатлар бу борада муҳим омил бўлаётир.

Шунга қарамай, айримларимизнинг турли дори воситаларидан бўлар-бўлмасга, мутахассис фикри билан ҳисоблашмай фойдаланишимиз, тиббий маданиятимизнинг етарли даражада шаклланмаганлиги баъзи нохуш ҳолатларга олиб келмоқда. Яқинда, энди мактаб остонасига қадам қўйган жиянимнинг ўз билганича дори ичаётганини кўриб ҳайратландим. "Таблетка"га ижобий муносабат ёшликдан шаклланган, табиийликдан сунъийликка қараб кетиш табиатнинг шифобахш неъматларидан бебаҳра яшаш билан баробардек туюлади. Кейин, ёшлигимда оқ халат кийган шифокорни кўриб нақадар қўрқишим, онам дорини мажбурлаб ичириши ёдимга тушди. Шу ўринда турли хил кимёвий дори воситаларини "бош оғриғи"га ичаётганлар, бу хапдорилар саломатлигимиз учун қанчалик фойдали бўлса, жигар, буйрак ва бошқа аъзолар учун шунча зарар эканлигини англашмайдими, деган савол туғилиши табиий... Гиппократ: "Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин", дегани бежиз эмас. Зеро, овқат билан бирга одам организмига саломатлик учун зарур бўлган витаминлар, микроэлементлар ва бошқа моддалар сингади.

Тошкент тиббиёт академияси ходимлари томонидан тайёрланиб, шу йили нашр этилган "Қовоқ — соғлиқ гарови" номли илмий-оммабоп мақолалар жамланган тўпламни ўқиб қолдим. Буни қарангки, биз беэътибор истеъмол қиладиган сабзавот тури оддий қовоқ таркибида витаминлардан тортиб, калий, кальций, натрий, олтингугурт, фосфор, хлор, темир, кобальт, фтор ва бошқа соғлом фаолият юритишимиз учун ниҳоятда керак бўлган элементлар мавжуд экан. Жумладан, қовоқ таркибидаги йод моддаси қалқонсимон без гармони — тироксин ҳосил бўлишида иштирок этади, тироксин оксидланиш жараёнини тезлаштиради, асосий модда алмашинувига таъсир этади, кислород сарфини кўпайтиради...

Тўпламда ушбу сабзавотнинг юрак-қон томир касалликлари, инсультни даволаш ва олдини олиш, нафас олиш тизими касалликлари, гастроэнтрология, буйрак ва бошқа хасталикларга чалинган кишилар учун жуда фойдали эканлиги изоҳлаб берилганки, ана шундай манбаларга бугун эҳтиёж катталигини ҳис қиламиз.

"Танасида калий моддаси етишмовчилиги оқибатида юрак ўйноғи, нафас қисишидан қийналиб юрган кишилар кўплаб учрайди. Улар дорихонама-дорихона юриб калийли дориларни (панангин, калий оратат ва б.)ни излайдилар. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ошқовоқ таркибида кўплаб калий бўлиши уни калийли дорилар ўрнида ишлатиш имконини беради. Бу ҳол яна бир марта биз шифокорларни халқимиз орасида парҳезбоп овқатланиш лозимлиги ҳамда бу борада мамлакатимиздаги сабзавот ва мевалардан, шу жумладан, шифобахш қовоқдан фойдаланиш ҳақида кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришимиз кераклигидан далолат беради".

Тўпламдан ўрин олган профессор А.Ғадоевнинг "Юрак-қон томир касалликларида қовоқнинг шифобахш хусусиятлари" мақоласидаги ушбу мулоҳазалар соғлом турмуш тарзини табиат неъматлари воситасида йўлга қўйиш учун аҳамиятлидир. Бу эса келажакда мавжуд муаммонинг ечими учун энг муҳим восита бўлиши мумкин.

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЖАРАЁН

ҲИМОЯ

Ижтимоий ҳуқуқлар

қонуний кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига оид давлат сиёсатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда қонунчилик асосида мустаҳкамланиб, иқтисодий, сиёсий, юридик, ташкилий кафолатлар тизими билан таъминлангандан кейингина амалга ошиши мумкинлиги масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Инсоннинг "абадий", "табиий" ҳуқуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин улар қонунларда мустаҳкамланмаса ва ижтимоий, иқтисодий, юридик воситалар билан таъминланмаса, бу ҳуқуқлар амалда ҳеч қандай самара бермайди.

Мустафо ХОДЖАЕВ,
Адлия вазирлиги Маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX бобида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. Асосий Қомусимизда юқорида санаб ўтилган фуқаролар ижтимоий ҳуқуқларининг мустаҳкамлаб қўйилгани Республикамиз Конституциясининг халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос эканлигидан ҳам далолат беради. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Бизнинг қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди".

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини махсус кафолатлаш Конституция асосида қабул қилинган қонунлар орқали амалга оширилади. Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган кўпгина қонунлар қабул қилинган. Хусусан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсоннинг демократик ҳуқуқларига оид 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик мажмуаси шаклланди. Ўзбекистон Республикаси суверен инсонпарвар давлат сифатида инсон ҳуқуқларига оид 60 дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзодир. Булар қаторига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт ва бошқа халқаро нуфузли ҳужжатларни қўшиш мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларининг энг муҳим кафолати мамлакатимизнинг демократик сиёсий тизимидир. Сиёсий тизим субъектлари: давлат, сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамғармалар ва уюшмаларнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти инсон (фуқаро) ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим омилдир. Қолаверса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ҳамда сиёсий барқарорлик ижтимоий-сиёсий кафолатлар кўламини мукаммал тўлдиради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: "Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак".

СОҒЛОМ ОИЛА

Тиббий кўрик

мустаҳкам никоҳ ва соғлом авлод кафолатидир

Миллатнинг эртанги кунини ва она- боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғал касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган. Мазкур қарор ФҲДЁ органлари томонидан фуқаролигидан қатъий назар барча никоҳдан ўтувчиларга жорий этилади.

Моҳира УМУРЗОҚОВА,
Нуробод туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Тиббий кўрикдан ўтиш Оила кодексининг 17-моддасига мувофиқ амалга оширилади ва «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Психатрия ёрдами тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида», «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Никоҳланувчи шахслар психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтадилар.

Улар ФҲДЁ органлари томонидан тиббий кўрикдан ўтиш учун яшаш жойидаги соғликни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги уларнинг яшаш жойидаги психиатр врачлар, наркологлар, тери- таносил касалликлари врачлари, фтизиатрлар томонидан тиббий кўрикдан ўтиш учун асос ҳисобланадиган ФҲДЁ органларидан бериладиган йўлланма бўйича бепул ўтказилади.

Фарзанднинг соғлом бўлиши ва баркамол ўсиши ҳар бир ота-онага беҳад шодлик ва қувонч бахишлайди. Туғилган фарзандда наслий касаллик ёки туғма нуқсоннинг борлигини билган ота-онага чексиз қайғу ва ташвиш келтиради. Шундай ҳолатларда хасталикларнинг олди ўз вақтида олинмаса, бола ногирон туғилиши мумкин. Оқибатда бундай ҳолат ота-онагагина эмас, жамиятга ҳам маънавий ва моддий жиҳатдан таъсир кўрсатади.

Албатта бошқа хасталиклар сингари наслий касалликларнинг ҳам олдини олиш мумкин. Бунинг учун эса амалдаги қонун- қоидаларга тўлиқ риоя этиш лозим. Кўпинча ёшлар тиббий кўрикдан ўзлари ўтмасдан, таниш билишлари орқали маълумотномалар олишга интилишади. Бундай ҳолатларга албатта чек қўйиш лозим.

Туманимизда ҳозиргача 1120 та янги оила ФҲДЁ томонидан расман қайд этилди. Никоҳланувчи ёшларнинг барчаси тўлиқ тиббий кўрикдан ўтаётгани аҳамиятлидир.

Шаҳар ва қишлоқларимизда ўтаётган тўйлар, ёшлар давраларини кўриб қувониб кетасан киши. Бундай бахт одамга бир маротабагина берилади. Аммо минг таассуфлар бўлсинки, айрим ёшларимизнинг вақтинчалик ҳо-ю ҳаваслларга берилиши натижасида никоҳсиз фарзанд туғилишлари ҳам учрайди. Бевақт дунёга келаётган бундай боланинг соғлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Негаки, никоҳдан ўтмаган ёшлар тиббий кўрик ҳақида ўйлаб кўришармиди?

Соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий йўналишлари Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ илгари сурилиб келинди. Шу пайтга қадар бу борада амалга оширилган ишлар эса қувончли. Аслида инсонларнинг соғлиги кўп жиҳатдан уларнинг ўзларига боғлиқ.

ОБОД ҚИШЛОҚ

Бугун мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Биргина Самарқанд вилоятида тарихий обидалар қайта таъмирланиб, замонавий мактаб ва коллежлар, маънавият ва маърифат марказлари жаҳон андозалари талаблари даражасидаги меҳмонхоналар, истироҳат боғлари барпо этилмоқда. Ана шундай маҳобатли қурилиш ишларида Самарқанд туманидаги «Бинокор — қурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул усталари ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Бунёдкорлар

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бундан икки йил аввал Конигул қишлоғидаги мактабда бўлганимизда биноси кўримсиз, таъмирга муҳтож эди. Яқинда яна йўлимиз тушди. Не кўз билан кўрайликки, бу ерда кўркам меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган кошона қад ростлаб турарди. Мураббийлар мамнун, ўқувчилар юзида қувонч.

- Эски мактаб биносини қайта таъмирлаган «Бинокор-қурилиш» масъулияти чекланган жамият жамоасига минг раҳмат,- дейди 54-мактаб директори Феруза Астонова. - Қурувчиларнинг меҳнати туфайли шундай бетакрор ўқув биносига эга бўлдик. Бунақа манзилда фақат яхши ишлаш ва ўқиш керак.

Даврон Исломов раҳбарлик қилаётган қурувчилар жамоаси вилоятдаги кўплаб ободончилик ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Жамоа аъзолари мустақиллик йилларида туманда битта янги мактаб, 8 та мактабда капитал реконструкция, 20 га яқин капитал таъмирлаш ишларини бажаришди. Жорий йилда Оҳалик қишлоғидаги 18-мактабда капитал реконструкция ишларини сифатли ва муддатида бажарди.

- 300 ўринли мактабда тендир асосида 523 миллион сўмлик иш бажардик. Юртимиздаги улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик усталаримизга илҳом бахш этмоқда. Айни дамда 3 та мактабда 173 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари якунланди,- дейди масъулияти чекланган жамият директори Д.Исломов.

Дарҳақиқат, жамоада қурилишдан ташқари темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш, пойдевор блоки, блок ғишт қўйиш, эшик-ромлар ясаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу боис бундай тайёр маҳсулотларга эҳтиёж туғилганда танқислик сезилмайди. Корхона ўз техника паркига эга. Бу ердаги турли русумли 10 дан ортиқ техника воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса корхонадаги 50 нафар ишчини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Улар ўртача 250-300 минг сўм, иш қизғин паллада эса 350-400 минг сўм миқдорда маош олишмоқда. Жамоа ана шу тариқа қишлоқ ободончилиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ФАОЛИЯТ

Давлат ва миллатни ҳеч нарса спортчалик тез машҳур қила олмайди. Шу боис мамлакатимизда спортга эътибор юқори даражага кўтарилди. Янги бунёд этилган кўплаб спорт иншоотлари, мактаб ва коллежлардаги спорт заллари, спорт тўгараклари учун шароитлар ёш авлодни жисмонан етук бўлиб камол топишида катта рол ўйнамоқда.

Абди ПАРДАЕВ

«Jeef kune do»

Сурхондарёда кенг ёйилмоқда

Қизириқлик Мусулмонқул Валиев ёшлигидан спорт билан мунтазам шуғулланарди. Шунга қарамай қурувчи-меъмор бўлишни, шу соҳада илмий иш қилиб, профессорлик даражасига эришишни орзу қиларди. Шу боис Мусулмонқул мактабни муваффақиятли тугатиб, Тошкент Политехника институти (ҳозирги Тошкент Техника университети)нинг инженер-қурилиш факультетига ўқишга кирди. Талабалик йилларида ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ўқишни Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида давом эттирди. Институтни ҳам имтиёзли диплом билан тугатгач, илмга чанқоқ Мусулмонқул аспирантурага ўқишга кириб, илмий иш билан шуғулланди.

Аспирантурани тугатгач, Термизга йўл олди. У 1996 йилда Термиз туман «Ердан фойдаланиш ва кўчмас мулк кадастри» бошқармасида кадрлар бўлими бошлиғи, бошқарма бош муҳандиси, бошлиқ лавозимларида ишлаганда ҳам ўша ерда спортни мунтазам тарғиб қилди. Айниқса, ёшлар ўртасида спортнинг энг яхши тарғиботчисига айланган Мусулмонқулнинг спортга бўлган кучли муҳаббатини кўрган Қизириқ қишлоқ хўжалик коллежининг раҳбарияти уни жамоага ишга таклиф қилди. Мазкур илм даргоҳида жисмоний тарбия раҳбари сифатида уч йил фаолият кўрсатди. Бу давр ичида ўқувчиларни соғлигини тиклашда, ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишига катта ҳисса қўшди. Ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлди.

«Гулобод» маҳалласи аҳли сайловда Мусулмонқул Валиевни маҳалла раиси этиб сайлашди. Кейинчалик «Меҳнатобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, Ҳаким Эшонов фермер хўжаликлари уюшмасида раис бўлиб ишлади.

2007-2008 ўқув йилида янги барпо этилган Қизириқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида «Махсус фанлар» кафедраси мудири, касбий таълим ишлари бўйича директор муовини, 2008 йилдан бошлаб директор лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Мусулмонқул Валиев яна ёшларнинг, коллеж ўқувчиларининг ҳар томонлама комил инсон бўлиб тарбияланишига эътибор қаратди. Ўқувчиларни ўз соҳасининг билимдони, ақлан етук, жисмонан бақувват бўлиб етишиши йўлида ўзини фидо қилган раҳбар жамоанинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Спорт фидойиси раҳбарлик қилаётган коллежда спорт ишлари «аъло» даражада олиб борилмоқда. Турли хил спорт мусобақалари, беллашувлар, турнирлар шу масканнинг бугунги кун талабларига жавоб берадиган спорт залларида бўлиб ўтади. Туман, ҳатто вилоят миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олишида Мусулмонқулнинг хизмати беқиёс.

Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва коммуникация масалалари бўйича туман комиссияси раиси сифатида ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ва қишлоқлар ободлиги йўлида тер тўкмоқда. Спорт кейинчалик М.Валиев ҳаётининг мазмунига айланди. 1992 йилда қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпиони, 1992-1993 йилларда Корея кураши «Срьн» бўйича халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Каратэ бўйича қора белбоғ I ДАН, «Jeef kune do» тури бўйича қора белбоғ II ДАН соҳиби, миллий кураш бўйича спорт усталигига номзод спортчи «Гулобод» маҳалласига раҳбарлик жараёнида маҳалладаги спорт майдонлари мажмуасини ҳашар йўли билан қуришга бошчилик қилди. Ҳозир бу мажмуа нафақат гулободликлар, балки тумандаги барча спорт ихлосмандларига хизмат қилмоқда.

2006 йил 20 декабрда мамлакатимизда «Jeef kune do» федерацияси ташкил қилинди. Ушбу спорт тури бўйича Мусулмонқул Валиев 2007 йил 4 майда мазкур федерациянинг Сурхондарё вилояти бўлимини ташкил қилиб, унга раҳбарлик қила бошлади. У ташкил топган пайтда аъзолари сони 14 нафар бўлган бўлса, айни пайтда 400 нафардан ошиб кетди.

Ташаббускор раҳбар бошчилигида федерация аъзолари вилоят ва республика миқёсидаги мусобақа ва тадбирларда фаол қатнашмоқда ва улар эришаётган ютуқлар юқори баҳоланмоқда. Кўҳитанг тоғида ушбу спорт тури бўйича вилоят семинари ташкил этилди. Унда 12 кун давомида 70 дан зиёд сурхондарёлик спортчи ва мураббийлар янги спорт тури бўйича машғулотлар олиб бордилар. «Jeef kune do» бўйича республика чемпионати ҳам шу йилнинг 14-15 мартида Қумқўрғон туманида бўлиб ўтди.

Мусулмонқул Валиев раҳбарлик қилаётган Сурхондарё вилоят «Jeef kune do» федерацияси ўтган йил якуни бўйича республика миқёсида ғолиб бўлди. Ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Унга эришилади. Ҳаёт ҳам курашлардан иборат. Бу курашларда ғолиб бўлиш фақат фидойиларгагина насиб қилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Анти-вирус иш бериши керак

H1N1 вирусининг таркиби ўзгаргани йўқ. Бу гриппга қарши дорилар самара бериши, вакцинани қабул қилаётганлар сони ортгани сари касаллик камайиши керак, деганидир

Ҳозир сайёрамиз бўйлаб H1N1, яъни "чўчқа гриппи" яна авжига чиқмоқда. АҚШ, Украина, Россия, Буюк Британия, Францияда ушбу касалликка қарши эмлаш кампанияси бошланган, бироқ фармацевтика саноатлари етарли вакцина ишлаб чиқаришга улгурмаяпти. Мазкур минтақаларда тиббий ходимлар биринчи бўлиб эмланмоқда. Хитойда эса бир неча мактабларга вакцина етказиб берилган. Бутунжаҳон соғликни сақлаш ташкилоти (БССТ) бош директори Маргарет Чаннинг айтишича, "чўчқа гриппи" жаҳон бўйлаб 4700 нафардан зиёд кишини ҳаётдан олиб кетган.

Сайёрамизда ўтган 5-6 йилдан буён турли хилдаги касалликлар кенг тарқалмоқда. 2003 йили респиратор синдроми — ғайриоддий зотилжам касаллиги ер юзининг кўпгина давлатларида тарқалиб, инсоният ҳаётига жиддий таҳдид солганди. Орадан бир йил ўтмай, «парранда гриппи». Энди эса «чўчқа гриппи» одамларни саросимага солмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, H1N1 вируси жаҳон иқтисодиётига 4 триллион АҚШ долларидан зиёд миқдорида зарар келтириши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, янги касаллик ғайриоддий вирус-мутант бўлиб, таркибида парранда, чўчқа ва одам гриппи генлари бўлган гибрид саналади. Бу офатнинг биринчи ўчоғи шу йилнинг апрелида Мексика пойтахти Мехикода қайд этилиб, ҳукумат ўшанда олий ўқув юртлари, судлар ва шаҳарлардаги бошқа оммавий жамоат жойларини вақтинча ёпиб қўйишга мажбур бўлганди. Чунки 20 миллионлик аҳолига эга шаҳарда аллақачон 8-даражали фавқулотда ҳолат эълон қилинганди (касалликнинг даражалар шкаласи 1 дан 10 баллгача бўлиб, агар 6-даражали хавф эълон қилинса, касаллик пандемия яъни, катта ҳудудларга тарқалган эпидемик касалликга айланган ҳисобланади. 10-даражали фавқулотда ҳолат эълон қилинса, барча аэропортлар ёпиб қўйилади, жамоат транспортлари ҳаракати тўхтатилади). Унгача касаллик АҚШ, Канада, Бразилия, Испания, Осиёнинг қатор давлатларида тарқалиб бўлганди. Шунга қарамай, жаҳон ҳамжамияти янги вирусга қарши самарали курашди, аммо асорат офатнинг қайтадан бошланишига замин яратди.

Россия Бош санитар врачи Геннадий Онишченко мамлакат бўйлаб "чўчқа гриппи"га чалингани аниқланган инсонлар сони қарийб 1900 нафарга етганини маълум қилган. Жаноб Онишченко яна бир бор кекса-ю ёшни доқали ниқобда ва одам кўп жойлардан четроқ юриш, ўз билганларича даволанмаслик, "чўчқа тумови"га чалинган ҳолларида албатта врачга мурожаат этишлари шартлигини айтган. Россияда "чўчқа тумови"га қарши эмлаш 2009 йил охирида бошланиши белгиланган бўлиб, мамлакат фуқароларига эмлаш текин ўтказилади. Масъулларнинг айтишларича, биргина пойтахт Москвада "чўчқа тумови"ни юқтирганлар сони қарийб 600 кишига етган. Айрим кузатувчилар хасталик ўчоғи сифатида Москвадаги қатор олий ўқув юртларини тилга олишган, бироқ расмий ҳисобкитобларга кўра, беморларнинг ярмига яқинини болалар ташкил этади. Ноябрь ойининг биринчи ярмида Москвага H1N1 вирусига қарши тайёр эмликнинг етиб келиши кутилмоқда. Россия Соғликни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида ҳам хасталикдан огоҳлик кампаниясини бошлаш режасида. Вазирлик маълумотларига кўра, аҳолини мазкур хасталикка қарши эмлаш ишлари режадагидан бир ой олдин, яъни 9 ноябрь куни бошланади. Шифокорларнинг фикрича, H1N1 вирусига чалинганлар докторларга жуда кеч мурожаат этишгани сабабли уларни қутқаришнинг иложи бўлмаяпти. Айни пайтда Чита ва Красноярск шаҳарларида ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларида дарслар қисман бекор қилинган, катта маданий тадбирлар ўтказиш вақтинча ман этилган.

Украинада аптекалар одамлар билан ҳар доимгидан-да гавжум. Хорижий давлатлардан ёрдам сўраб мурожаат қилган мамлакат президенти Виктор Юшенко "чўчқа гриппи"ни хавфсизликка таҳдид", дея атаган. Бош вазир Юлия Тимошенко эса офатга "фавқулотда хавфли касаллик", дея баҳо берган. Ҳозир мамлакатда барча оммавий тадбирлар (жумладан, сайловолди тадбирлари ҳам) бекор қилинган, таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилди, ғарбий ҳудуддаги 10 дан ортиқ вилоятларда карантин ҳолати эълон қилинди. Украинадаги бундай муаммолардан қўшни Польша, Венгрия, Словакия ва Руминия давлатлари ҳам хавотирга тушиб, чегаралар назоратини ҳар доимгидан кучайтирган.

АҚШда гриппнинг янги турига қарши эмлаш кампанияси авжида. Мутахассисларнинг айтишича, гриппга қарши дорилар самара бермоқда, аммо вакцина етарли эмас. Америкада H1N1 яъни, чўчқа гриппи кенг тарқалар экан, ҳукумат расмийлари "эпидемияни тўхтатишга ҳар қачонгидан тайёрмиз" демоқда. Тиббий хизматчилар, ҳомиладор аёллар ва болалар "чўчқа гриппи"га қарши биринчилар қаторида эмланади. Америкада анти-вирус ноябрь ўрталарига бориб барча хоҳловчиларга тарқатила бошланади.

Сенат қошидаги давлат хавфсизлиги қўмитаси раиси Жозеф Либерман ҳукумат асосий эътиборни H1N1 вирусини бартараф этишга қаратиши лозимлигини айтган.

– Айни дамда грипп вируси шиддат билан тарқалмоқда, - дейди Жозеф Либерман журналистларга берган интервьюсида. – Федерал ҳукумат, мамлакат соғликни сақлаш тизими бу эпидемияга бас кела олишини аниқ айтолмайман. Вақтни кечиртирмай ҳукумат олиб бораётган дастурлар қанчалик самара бераётганини баҳолаб бориши лозим. Вирус аҳолининг муайян қатламларида айниқса тез тарқаляпти. Турли статистик маълумотларга кўра, "чўчқа гриппи"га чалинаётганларнинг 90 фоизи ҳали 65 ёшга етмаган одамлар. Мамлакатдаги касалликларни назорат қилиш марказининг билдиришича, бу ерда янги гриппдан ҳозиргача 800 дан ортиқ одам ҳалок бўлган, шундан 85 нафари ёш болалар.

Ҳозир эмлаш кампанияси бошлаб юборилган. Биринчи навбатда ҳомиладор аёллар ва болалар вакцина билан таъминланмоқда. Ҳукумат агентликлари, вазирликлар касалликнинг олдини олишга қаратилган умумий режа асосида иш юритяпти. H1N1 аёвсиз, тез суръатда тарқалиши олдиндан маълум эди. Соғликни сақлаш вазири Кетлин Себелиус дори ҳаммага етарли бўлиб, ҳар бир фуқаро иложи борича катта миқдорда эмланиши мумкинлигини айтган. АҚШнинг Маҳсулот ва доридармон назорати бошқармаси касалликка қарши «Tamiflu», «Relenza» дориларини қўллашга рухсат берган.

Янги вирусни юқтирган одамда оддий гриппга ўхшаш ташқи белгилар пайдо бўлиши мумкин. Аммо у заҳарли пневмонияга сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Дастлабки аломати иситма чиқиши, мушакларга оғриқ пайдо бўлиши, томоқ оғриши, қуруқ йўтал тутиши, кейин эса уни юқтирган одамда кўнгил айниш ва ич кетиш ҳолатлари кузатилади. Касаллик ҳаво-томчи орқали, яъни йўталганда, акса урганда, касалланган кишининг идиши ва бошқа воситалардан юқади.

Республика соғликни сақлаш вазирлиги мутахассисларининг фикрича, "чўчқа гриппи" бошқа давлатларда кузатилаётган бўлса-да, бу хотиржамликни англатмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам одамлар гигиенага риоя қилишлари, қўлларини мунтазам совунлаб туришлари шарт. Инфекциянинг юртимизга четдан кириб келишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чоралар амалда ўз самарасини берган. Бунга мисол сифатида «парранда гриппи»ни айтиш мумкин. Бундай шароитда одамлар гавжум жойларда, транспорт, болалар боғчалари, ўқув юртларида профилактика ва дизенфекция ишлари кучайтирилади.

Ҳозир инқироз забтига олиб турган бир пайтда бу офатнинг тарқалиши жаҳон ҳамжамиятини янада ҳушёр торттиргани аниқ. Йирик фармацевтик компаниялар ва бой давлатлар дорининг бир қисмини камбағал мамлакатларга хайрия қилишга ваъда берган. Хушхабар шуки, дейди шифокорлар, H1N1 вируси йил бошида пайдо бўлганидан бери таркибини ўзгартиргани йўқ. Бу гриппга қарши дорилар самара бермоқда, дегани. Демак, вакцинани қабул қилаётганлар сафи кенгайган сари касаллик ҳоллари камайиши керак.

Гриппнинг тарқалиши

Йил	Номи	Қурбон бўлганлар
1918	"Испанка"	Қарийб 50 млн. одам
1957	"Осиё гриппи"	1,5 млн.
1968-70-72	"Гонконг гриппи"	1 млн.

Жаҳонда гриппнинг янгидан-янги турлари ортиб бораётган бўлса-да, унинг қурбонлари сони тобора камайиб бормоқда

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Уй-жой бозори гавжум

Иқтисодий инқироз АҚШда кўчмас мулк бозорига ҳам таъсир қилган.



ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига кўра, АҚШ кўчмас мулк бозоридаги инқироз уйсизлар сонини кўпайтириб, ижара бозорини янада гавжумлаштирган. Шунингдек, уй нархларининг тушганидан мамнун бўлган ижарачилар иқтисодиёт тикланмасидан олдин уйга эгалик қилишга шошилмоқда. АҚШ уй-жой хўжалиги вазирлигига кўра, молиявий кризис натижасида миллионлаб одамлар уйидан айрилган. Вазир муовини Рафаэл Бостикнинг айтишича, илгари аҳолининг 70 фоизи уй эгаси ҳисобланарди, таназзул оқибатида 4 фоизи уйидан айрилган. Ижарачилар миқдори эса аксинча 30 фоиздан 34 фоизга кўтарилган. АҚШда ишсизлик суръати ўсиб борар ва кредит тизимини тартибга солиш учун бир неча йил талаб қилинар экан, уйини йўқотган одамлар қачон яна уй эгасига айланиши номаълум. Мутахассисларнинг фикрича бунга бир неча йил кетиши мумкин.

2-давра ўтмади, натижада

Карзай мамлакатни яна беш йил бошқаради.



Афғонистонда шу йилнинг 7 ноябрида режалаштирилган президент сайловлари бекор қилингач, мустақил сайлов комиссияси Ҳамид Карзайни ғолиб деб эълон қилди. Бунга қайта сайловларда президент Карзай билан беллашиши кутилаётган ягона номзод - собиқ ташқи ишлар вазири Абдулло Абдуллонинг сиёсий тадбирда иштирок этмаслик ҳақидаги қарори сабаб бўлган. А.Абдулло сайловга ишончи йўқлигини билдирган.

Кеча БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Афғонистондаги вазият ҳақида сўз юритиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти афғон халқига кўмак бериб, унинг тараққиётини таъминлашда давом этишини билдирган. Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта «Толибон» Кобулда БМТ ходимларига ҳужум қилиб, беш нафарини ўлдирган эди.

Муваффақиятли юришлар

Покистон армияси Жанубий Вазиристон ичкарисига кириб бормоқда.



«Lenta.ru» сайтида ёзилишича, Покистон армияси Жанубий Вазиристонга чуқурроқ кириб бориб, сўнгги отишмалар чоғида ўнлаб жангарилар йўқ қилинган. Расмийлар икки ҳафта олдин бошланган операция муваффақиятли якунланаётганини айтмоқда. Генерал Холид Раббоний сўзларига кўра, жангарилар билан тўқнашувдан сўнг йирик қурол-яроғ омбори аниқланган. Кузатувчиларнинг фикрича, жангарилар орасида талофатлар кўп. Сўнгги маълумотларга қараганда, Афғонистондаги халқаро коалиция учун қурол-аслаҳа олиб ўтиладиган Ҳайбар довонида портлаш рўй берган, покистонлик саккиз ҳарбий ҳалок бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фиръавнларнинг яна бир сири

ёхуд қадимда мисрликлар махсус электр чироқларидан фойдаланишган

1937 йили немис археологи Вилгельм Кениг Бағдоддаги қазилма ишларида ажойиб бир сопол гулдон топиб олади. Тарихчиларнинг айтишича, унинг ичида мисдан ясалган цилиндр бўлиб, гулдоннинг тубига сақич билан қоплаб қўйилган экан. Ўша пайтлар Кениг бу топилмага унчалик ҳам аҳамият бермайди. Лекин, кейинроқ олимлар бу шаҳардан яна бир қанча шунга ўхшаш, кўриниши худди гулдонларга ўхшаса-да, ичида гальваник элементлари бор хумчаларни топишади. Мутахассислар ушбу гулдонларни узоқ йиллар мобайнида текшириб, қадимда айнан ана шулар электр батареялар ўрнини боса олган, деган хулосага келишади.



Олимлар 1980 йили энг қадимги Сахара ва Жоссер пирамидасининг тубидаги ертўлада ҳам ана шундай гулдонларни топишга муяссар бўлишган. Рейхард Хаберт мисрликлар ибодатхонаси деворида ноксимон жисмни унга уланган сим ва изолятор тўсинларни аниқлайди. Мутахассислар ўша даврда бу ноксимон жисм электр лампа ўрнида қўлланилганини исботлашади.

Мисршунос Петер Крас ва Рок Хабард «Фиръавнлар шуъласи» деб номланган китобида ҳам ана шундай изолятор тўсинлар ҳақида гапиришган. Мутахассислар Хатор ибодатхонаси пойдеворидан 2 қават чуқурликда 1,1 м. энликдаги ерости йўли, ғаройиб девор ҳамда уйчага дуч келишади. Хонанинг эни 1 м.12 см., узунлиги 4 м. 60см. Айтишларича, ўша даврда бу ертўлада махфий мини-электростанция бўлган! Шунингдек, қадимда мисрликлар бу борадаги билимларини ошкор этмай, қаттиқ сир сақлашган. Фақат лозим кўрилган кишиларгагина уни ўргатишган. Олимларнинг айтишича, Мисрдаги пирамида ва ибодатхоналар кузатилганида, унинг деворларидан оловли шамчироқларнинг изи умуман топилмаган. Демак, қадимда мисрликлар махсус электр чироқларидан фойдаланишган.

Сеҳрли туморча афсонами ёхуд ҳақиқат?

Ўтган аср парапсихологларининг хулосасига кўра, қадимги қабрлар очилиб, уларнинг руҳлари безовта қилинганида ер юзида ғаройиб ҳодиса ёки фалокатлар юз бераркан. Демак, ота-боболаримизнинг ўтганлар руҳини безовта қилманглар, дейишларида ҳам жон бор экан-да. Яқинда Жанубий африкалик бир аёл Тутанхамон сағанасидан ўғирланган сеҳрли туморчани Миср ҳукуматига қайтарди. Миср Маданият вазири ўринбосари Шериф аш-Шабоши журналистларга берган интервьюсида, африкалик аёл фиръавнлар салтанатига тегишли бўлган туморни фақат қабрга қайтариш шарти билангина тақдим этди, деди. Шунингдек, аёл вазирликка яна бир хат ҳам беради. Унда туморча келтирган қатор бахтсизликлар баён этилган.

Туморча қурбонлари

Хатда ёзилишича, сеҳрли туморчанинг илк бор қурбони британиялик денгизчи бўлган. Денгизчи қадимги қазилма ишида қатнашган бир одамдан ўғирланган туморчани сотиб олади. Кўп ўтмай денгизчининг кемаси ҳалокатга учраб, чўкиб кетади. Мерос бўлиб қолган туморча денгизчининг қизини «нишон»га олади. Қизнинг соғлиги кун сайин ёмонлаша боргач, у туморчани сотиб юборишга аҳд қилади. Тақдир тақозоси билан ўша туморни африкалик аёлнинг бувиси сотиб олади. Бу оилада ҳам бахтсизлик рўй бера бошлайди. Унинг қизи 21 ёшида оғир касалликка учраб оламдан ўтади, эри эса дом-дараксиз йўқолади. Аёл яна бир оила жодуланган туморчадан жабр кўрмасин деб, уни ўз эгасига, яъни фиръавннинг қабрига қайтаришга қарор қилади.

1902 йилги пирамидаларда олиб борилган қазилма ишларида беш нафар араб мажусийлар руҳонийсининг қабрини топишган. Ушбу сағана ва мўмиёланган коҳинни тўрт нафар инглиз археологи сотиб олади. Сағанани топганлар эса пулни бўлиша олмай бир-бирлари билан жанжаллашиб, оқибатда мисрлик коҳиннинг илк бешта қурбонига айланишади. Мисршунос олим Қоҳирага мўмиёни элтаётган чоғида сағананинг четига қўлини тилиб олади. Кейин билишса, шу арзимас нарсани деб олимнинг қони заҳарланади ва жарроҳлар унинг қўлини кесиб ташлашга мажбур бўлишади. Олимнинг ёрдамчиси мўмиёни Лондонга олиб келади. Бироқ, ҳеч қанча вақт ўтмай у ҳам ўзини-ўзи отиб қўяди. Экспедициядаги учинчи иштирокчи оғир касалга учрайди, тўртинчиси эса бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлади. Маълум бўлишича, мўмиёни илк бор суратга олган мисрлик суратқаш руҳий касалликлар шифохонасига тушади. Иккинчиси эса суратни чиқарганидан саккиз кун ўтиб бошидан офтоб уриб оламдан ўтади.

Мўмиёланган коҳин тақдири

Ниҳоят, машаққатлар билан қадимги мўмиё Британия музейига жойлаштирилади. Қизиғи, қадимги мўмиёни музейда томоша қилган кишилар бирин-кетин ғаройиб ҳодисаларга дуч келаётгани ҳақида шаҳарда шов-шув тарқалади. Юқоридаги ҳалокатларнинг ҳаммаси Лондоннинг маҳаллий газетасида чоп этилади. Ўша даврда ваҳимага тушган аҳоли мўмиёни Мисрга қайтарилишини сўраб ҳукуматга мурожаат қилади. Чунки, 10 йил ичида топилма туфайли қарийб 20 нафар одам ҳалок бўлганди.

Чўкмас кема нега чўкди?

1912 йили дунёдаги энг катта ва чўкмас номини олган «Титаник» кемаси Британия портидан денгизга чиқиб, 5 кундан сўнг айсберга урилиб, океан тубиги ғарқ бўлади. Қизиғи, башоратчилар улкан ҳалокатни олдиндан билишган экан.

Парапсихологларнинг фикрича, афсонавий ҳалокатнинг сабабчиси қадимги башоратчи Аменофис IVнинг мўмиёланган жасади эмиш. Тарихий манбаларда ёзилишича, Аменхотеп IV даврида мисрлик коҳиннинг буйруғига биноан башоратчи Аменофис IV қурбон қилинган.

Мутахассислар ушбу сағанани 1895 йили шимолий Мисрда қора куч эгалари қўриқлайдиган мақбарадан топишади. Қадимги афсоналарда айтилишича, ушбу қабр устига «безовта қилган кишини Аменофиснинг руҳи жазолайди ва уни фалокат кутади» деб ёзилган ҳамда қора кучлар ёрдамида жодуланган. Немис мисршуноси Фридрих Вангдербергнинг айтишича, қадимги магларнинг кучи бу қабрни асрлар оша қўриқлаб келган. 1896 йилдан 1900 йилгача шу экспедицияда қатнашганларнинг барчаси турли фалокатларга учраб ҳалок бўлади. Биргина таниқли инглиз олими ва сайёҳи лорд Каннервелль «Титаник» чўккунча омон қолади. Олим 1912 йили Лос-Анжелосда бўлиб ўтадиган бебаҳо археологик экспонатлар кўргазмасида қатнашиш учун «Титаник» кемасига чипта олади. Каннервелльнинг илтимоси билан мўмиё солинган яшик капитан хонасининг ёнидаги каютага жойлаштирилади. Олим миннатдорчилик сифатида капитанга яшикни очиб кўрсатади. Капитан эса шу ерда яна бир мудҳиш хатога йўл қўяди. У яшикдаги жодуланган туморчани қўли билан ушлаб кўради. Жодуланган туморча ҳамда атрофидаги сеҳрли тошлар таъсирида капитан гипнос ҳолатига тушади. Ким билади дейсиз, балки ҳақиқатан ҳам парапсихологлар айтганидек, шу биргина ўйламай қўйилган қадам мудҳиш фалокатга сабаб бўлган бўлиши мумкин.

КЎЗГУ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Жиззахлик ҳунармандлар

улар ота-боболаримиз анъаналарини давом эттирмоқдалар

Жиззах шаҳри азалдан халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ҳудудлардан саналади. Заргарлик, кулолчилик сандиқдўзлик, бешикчилик, каштачилик, зардўзлик каби санъат намуналари ҳаммани қойил қолдирган. Жиззах дўпписи, сандиғи, бешиги, пичоғи деган атамалар шундан далолат беради. Мустақиллигимиз туфайли халқ амалий санъати ривожланиш даврига кирди. Бозорларни безаб турган бу каби уй-рўзғор буюмлари хонадонларни тўлдирмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

- Жиззахнинг истаган маҳалласига борсангиз, халқ ижодига мансуб санъат намуналарини учратасиз,- дейди «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Маматқул Инъомов. - Булар хонадонларни обод қилиш билан бирга, аждодларимиз санъатини сақлаб қолиш, келгуси авлодларга етказиб беришда асос бўлади. Айниқса, кексалар тажрибаси ёшлар томонидан ўзлаштирилаётгани, шу асосда маҳсулотлар тайёрланаётгани ёшларни касб-ҳунар ўрганишга ундамоқда.

- Маҳалламизда тандир, сандиқ, бешик сингари буюмлар ясаш йил сайин оммалашиб бормоқда,- дея суҳбатга қўшилди «Ўратепа» маҳалласидан келган Муҳаббат Эшонбобоева. - Айниқса, касаначилик асосида заргарлик, зардўзлик, бадиий каштачилик маҳсулотлари бозорларимизни обод қилаяпти. Бу ёшларни ижтимоий, фойдали меҳнатга жалб этиш, миллий қадриятларимизни эъзозланишига омил бўлаяпти.

Шаҳар кўчалари бўйлаб юрсангиз, бозордан харид этилган обдаста, кўза, сандиқ, бешик, кетмон, ўроқ каби уй-рўзғорда асқотадиган буюмларни олиб кетаётган фуқароларга дуч келасиз. Улар бежирим, рисоладагидай буюм харид қилганларини мақтаниб сўзлашади. Шулардан бири Амир Абдуллаев Жиззах шаҳридан сандиқ харид қилиш учун Фориш туманидан келибди. У ҳамиша шаҳардаги Пўлатой Исматуллаева раҳбарлик қиладиган сандиқчилардан турли хил буюм ва бешик харид қилар экан. Сотиб олган сандиғини томоша қилдик: гўзал, бежирим, нафосатли. Нақшларида катта маъно борлиги яққол сезилади. Беихтиёр хонадонни яшнатиб юборишини тасаввур қиласан, киши.

- Саккиз йилдан бери сандиқ тайёрлаб, харидорларга сотамиз,- дейди ҳунармандлар раҳбари Пўлатой Исматуллаева. - Биз аждодларимиз анъаналарини давом эттириб, буюртмачиларимизнинг талабини қондираяпмиз. Оилавий бўлиб харидорларга арзон, чидамли, чиройли буюмлар тайёрлаймиз. Бу касб бизга отамерос. Шаҳар маҳаллаларида бундай оилавий ҳунармандлар кўп. Ўғилларим Самарқанд шаҳрига бориб усталардан касб сирларини ўрганиб, маҳоратларини ошириб қайтишди. Бу сандиқлар мустаҳкамлиги боис харидоргир саналади. Тарихда сандиқларда китоблар, дуржавоҳирлар сақланган. Сувга ташланган сандиққа сув кирмаган. Бу бизда сандиқчилик юксак санъат даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бешиклар-чи? Уларда фарзандларимиз улғайиб вояга етганлар. Бешикларни кўрсангиз, камол топажак чақалоқни ўзига жалб қиладиган нақшлар, безаклар бисёр.

- Биз бешикларни болалар саломатлигини яхшилайдиган ёғочлардан ясаймиз,- дейди Пўлатой опанинг ўғли Асилбек. - Бола баайни гул, сал нарсага таъсирланади. Шунинг учун уларни овутадиган рангларни танлаймиз. Қўлчалари билан ўйинчоқларни ўйнаётганида ҳалақит бермайдиган халқачалар қиламиз. Ахир, бешикда халқимизнинг келажаги улғаяди.

Бозорда расталар, дўконлар кўп. Уларда халқ ҳунармандлари тайёрлаган амалий санъат намуналари сотилади. Ҳунармандлар Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарлар билан алоқа боғлаб, тайёрлаётган маҳсулотларини янада сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Улар ижод қилган дўппи, чопон, қийиқчаларга қараймиз. Бешик, сандиқларни кўрамиз. Бу халқимиз учун ижодкорлик ва ҳунармандчиликка кенг йўл очилганлигидан далолатдир.

ЎГИТ

Унча қилким, бошқалар шаънингга то,
Кеча-кундуз ёлвориб, этсин дуо.

* * *

Ўрнига қайтармайин, олсанг уни,
Тоғдаги кон ҳам тугангай бир куни.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Ер юзидаги энг илиқ денгиз Қизил денгиз ҳисобланади.

* * *

Колоридалик дор устаси Уильям Волвин (1866-1953 й.) кексайиб қолганда ҳам дорга чиқишни канда қилмаган. У ҳатто 82 ёшида ҳам салкам 40 метр баландликдаги ва 97 метр узунликдаги дорда юриб томоша кўрсатган.

* * *

Дунёдаги энг кенг кўча Бразилияда («Монументальная ось» номли кўча) жойлашган. Унинг кенгли 250 метрни ташкил этади.

ТУРФА ОЛАМ

Ажойиб фотокамера

Британиялик мутахассислар инсон ҳаёти давомида ҳақиқий дўст бўла оладиган фотокамерани ихтиро қилишди.

Аввалига мутахассислар бу фотокамерани альцгеймер кассалиги билан хасталанган инсонлар учун мўлжаллашган эди. Аммо, камера муаллифлари уларнинг маҳсулоти ҳамма инсонлар учун ҳам жуда қулай келишига ишонишмоқда. ViconRevue номли фотокамерани бўйинга осиб юрилганда, у ҳар 30 сонияда автомат ҳолатда атроф-муҳитни ўзи суратга тушираркан. Шунингдек, қурилмада ультрабинафша сенсор бўлиб, у ён-атрофдаги кишини пайқай олади ва ўз ишини давом эттиради. Фотокамеранинг хотираси 1 Гб бўлиб, у 30 мингта тасвирни ўзида сақлай олади.

Электр энергияни тежашнинг янгича усули

Ҳиндистонлик 15 ёшли қиз мобиль телефонлар қувватини инсон танасининг иссиғи ва юрак уриши ҳисобига озиқлантиришни таклиф этмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган «IGNITE 2009» конкурсида Сарожини Махажан ғолиб бўлмаса-да, у таклиф этган лойиҳа Стэнфорд университети олимларини қизиқтириб қўйди. Олимлар айни пайтда қизчанинг лойиҳасини амалга оширишга ва уни иложи борича тезроқ жаҳон бозорига олиб чиқишга киришишмоқда. Айтишларича, бунинг учун юрак урушини англай оладиган ва уни электр импульсига айлантирадиган махсус билак узук яратиш керак экан. Олимлар, келажакда электр энергияси танқис бўлган мамлакатларда бундай уяли мобиль телефонлари ниҳоятда асқотади, дея умид қилишмоқда.

Ҳақиқий лабиринт

Бир қатор олимлардан ташкил топган гуруҳ Крит оролининг бир чеккасидаги қадимги ерости тош йўлини текширишган ва улар бир овоздан бу макон афсоналардаги минотаврнинг қасри — қадимги лабиринт бўлиши мумкин, дейишмоқда.

XX асрда топилган Кносс қасри пойдевори яхши ўрганилмагани боис, айнан Кносс қасрининг ўзи «қадимги лабиринт» деб тахмин қилинган эди. Бироқ, экспедиция иштирокчиларининг фикри ўзгача. Оксфорд университети географи Николас Ховартнинг айтишича, топилган еростидаги тошдан қурилган чигал йўл қадимдаги лабиринтнинг ўзгинасидир. Британия музейи ходими Эндрю Шапланднинг таъкидлашича ҳам еростидаги топилган тош йўли XII асрдаёқ лабиринтга хос жой эканлиги аниқланган ва маҳаллий аҳоли ҳанузгача уни «лабиринтнинг ғорлари» деб аташаркан.

Рангли қўзиқорин

Олимлар Бразилия ҳудудидан ҳам ҳайвонга, ҳам ўсимликка ўхшаш қўзиқоринни топишган.

Инсон аввало қўзиқорин билан озуқа сифатида қизиқади, унинг ранги, кўринишига қараб ҳар хил турларга ажратади. Бразилиядан топилган қўзиқорин қўзиқоринларнинг ҳеч бир турига кирмас экан. У янги қўзиқорин бўлиб, кеч тунда ўзидан яшил тусда нур таратаркан.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА
тайёрлади

«Комсистем-Азия» МЧЖ ёпилиши муносабати билан даъвогарлар 2 ой муддат ичида қуйидаги телефонга мурожаат қилишлари мумкин: 733-18-98

КЎРГАЗМА

Ортсзеит – маҳаллий вақт

Тошкент Фотосуратлар уйида Стефан Коппелкаммнинг "Ортсзеит – маҳаллий вақт" номли фотосуратлар кўргазмаси очилди. Пойтахтимиздаги Гёте институти томонидан ташкил этилган ушбу кўргазма Берлин девори қулашининг 20 йиллигига бағишланди.

- Кўргазма 1989 йил Шарқий Германия ва Шарқий Берлинда бўлган тарихий бурилишдан кейин юз берган шаҳарларнинг фавқулодда ўзгариши ҳақида сўзлайди, - дейди Гёте институти амалиётчиси Катя Хўлдампф. – Ушбу фотоишлар немис тарихий маданиятига яна бир улкан ҳисса қўшди, десам адашмайман.

1989 йилда Берлин деворининг қулаши, ҳамда 1990 йилда Германиянинг қайта бирлашишидан сўнг Шарқий Германия қиёфасини ўзгартирди. Шу йил Стефан Коппелкамм ўзининг Шарқий Германия бўйлаб сафари чоғида, ушбу ҳудудда яқин келажакда ўзгариб кетадиган ҳолатни суратларда муҳрлаб қолиш ҳоҳиши уйғонди. Унга қизиқувчанлик туртки бўлди, холос. Уни ҳайратга солган жойларни катта форматли фотоаппарат билан расмга олди. Кўргазма ана шу икки давр: туб бурилишдан олдинги - 1990 йил ва ўзгаришлардан кейинги – 2002 йил ўз аксини топган фотоишлардан иборат.

Бир қараганда, сокин оқ-қора расмларнинг бирлаштирилиши оддий, аҳамиятсиз туюлади. Лекин, кўча ва бино суратларидан яратилган қизиқарли кўргазма - вақтни кўз олдингизда гавдалантиради ҳамда томошабинда зўр таассурот қолдиради. Вақт ўз изларини қолдирган. Ўзгаришларни кўпгина майда деталлар ҳам кўрсатиб турибди, баъзан эса суратларда умуман ўхшашлик йўқ. Вақт у жойлар қиёфасини янгилаган.

Коппелкамм суратлари субъектив танланган бўлиб, Шарқий Германия меъморчилигига изоҳ бермайди. Аксинча, уларда кундалик ҳаётий лавҳалар асосий ўринни эгаллайди. Тарихий ёдгорликлар эса кейинги ўринга қўйилади.

- Муаллиф сабри мени лол қолдирди. Бу асарлар ўн икки йиллик меҳнат самараси,- дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий дизайн институти Дизайн факультети декани Раҳматуллоҳ Умирзаков. - Суратларда Германиянинг ўзига хос меъморчилик санъатини кузатиш мумкин. Ўн икки йилдан кейинги манзара кишига вақт ҳақида ўзгача фикр беради, ўйлантиради. Германия давлати тарихига ўзгача нигоҳ билан қарашга имкон яратиб беради.

Фотосуратларда Дрезден-Зебнитсер, Халле Гайстштрассе, Дрезден-Ротенбургер каби кўчалар, унда жойлашган бинолар учрайди. Кўргазмада ижодга ўзига хос ёндашувни кўриш мумкин.

Стефан Коппелкамм 1952 йилда Заарбрюкенда туғилган бўлиб, Кисселдаги санъат олийгоҳида графика дизайни, суратчилик ва эстетик тарбия соҳалари бўйича таҳсил олган. Илк кўргазмаси 1981 йил намойиш этилган ва "XIX асрда иссиқхоналар ва қишки боғлар" китоби нашрдан чиққан. Ҳозирда профессор лавозимида Берлин Вайсензеедаги Маданият олийгоҳида коммуникацион дизайн соҳасидан дарс бермоқда.

Кўргазма 20-ноябрга қадар давом этади.

"Туркистон-пресс"

СЎЛИМ МАСКАНЛАР

Хон тоғи

Нурота тоғ тизмаларида жойлашган сўлим ва хушманзара гўшалардан бири Хон тоғининг мафтункор ва бетакрор табиати кўнгилларга завқ-шавқ, ҳузур-ҳаловат ва ором бағишлайди. Тоғнинг гўзаллиги, ҳусн-латофати ва таровати ҳар қандай кишини ўзига ром этмай қўймайди. Тонг отиши билан хилма-хил қушлар тўдаси товушлари орқали гўё бир-бирларининг омонлиги, тинч-осойишталиги ва қаерда макон топганлигини билмоқчи бўлгандай берилиб сайрашади. Улар учун бу ер роҳатмакон гўша бўлиб, овозларининг бир-бириникига ўхшамаслиги ҳайратланарлидир. Айниқса, қуёш бўй кўрсатганида сайроқи қушлар камалакдек товланиб янада ёрқин жилваланади. Кўриб кўзинг қувонади.

Чор-атрофи осмонўпар, баланд Қўйтош ва Қорақуш чўққилари билан қуршалган сўлим гўшанинг тоғ-тош, қалин қамиш ва тўқайзорларида ёввойи жониворлар кўп. Тунда ой ёруғида тошбақа юриш қилиб, игналарини шарақлатиб туяқорин тиканлар бўйлаб оралаган жайраларни айтмайсизми? Сакраб ҳаракатланадиган оҳулар ҳам инсон қадами етмайдиган баланд ўнгирларни маскан тутишган. Хон тоғи ҳақида халқ ўртасида кўплаб ривоятлар юради.

Ривоят қилишларича баҳор бошланиб, илиқ кунларнинг бирида шоҳ навкарлари билан юрганида баланд тоғ этагидаги сой бўйида шилдираб оқаётган чашма ва булоқлар, ям-яшил ўтлоқлар, сариқ-қизил гулларини осилтириб турган дўлана, олча, бодом ва адоғи йўқ пистазорларнинг ястаниб ётиши уларни мафтун қилиб қўяди. Навкарлар булоқ атрофида салқин шабададан баҳраманд бўлишиб, ҳордиқ олишаркан кутилмаганда ёлғиз оҳуни кўриб қоладилар. Шериклари ҳуркиб кетиб қолган бўлса-да жониворнинг теварак-атрофга олазарак безовталаниб боқиши уларни ажаблантиради. У қулоқларини динг қилиб нимагадир бу ердан нари кетмас, атрофдаги нотаниш бегоналардан чўчимасди.

Шунда навкарлар осон ва тайёр ўлжани қўлдан бой бермаслик учун унинг олдини тўсишга чоғландилар. Бироқ хон камонини қўлига олишга олди-ю, беозор жониворнинг тенгсиз гўзаллиги ва нафис қадди-қоматига маҳлиё бўлганича бироз ҳаяллаб қолади. Оҳу умуртқаларининг ён томонида бир қанча нуқталар, орқа сонларида қора чизиқчалари бор эди. Худди кимдир атайлаб чизиб-бўяб қўйганга ўхшарди. Бу ҳақиқий табиат мўъжизаси. Кўзлари эса қоп-қора мунчоқдек. Сарғиш, кўкимтир майин жунлари шамолда тўзғиб осонликча тутқич беравермасди.

Шу орада хон унинг оппоқ сағринидаги сутга тўлиб турган елинига кўзи тушгач: «Жонивор яқин кунларда болалаганга ўхшайди. Уни жувонмарг қилиш увол-ку!» дея пичирлайди ўзига-ўзи. Навкарлар эса ўз оёғи билан келиб қолган тайёр ўлжани тезроқ нишонга олишни сабрсизлик билан кутишаётганди.

Орадан беш-ўн дақиқа вақт ўтиб жонивор терак бўйи келадиган жар ёқасига яқинлашади. Лекин ҳамон бу атрофдан нари жилмас, қоп-қора кўзларидан билинар-билинмас ёш сизиб оқар, аъзойи-баданлари қалтирарди.

Кутилмаганда навкарлар жар тубидаги оҳу боласини пайқаб қолишди. Туғилганига ҳали бир ҳафта ҳам бўлмаган жониворнинг баданларига лой чапланган, очлик азобидан тинка-мадори қуриб жойидан туролмасди. Кичкинтой ёрдамга муҳтож эди. Афтидан она оҳу мурғак боласини жардан чиқаришга қанчалик уринмасин уддасидан чиқолмаган кўринади. Буни жар тубидаги балчиқ ва тупроқдаги излардан ҳам билиш қийин эмасди.

Жажжи жонивор жар ёқасига олиб чиқилганида она оҳу боласига талпина бошлади. Кейин искаланганича кичкинтойни эмизишга тутинди. Бироқ жониворнинг оёққа туришга ҳоли йўқ эди. Шунда она оҳу эвини қилиб эгилганича оёқларини букиб сийнасини боласининг тумшуғи томон олиб борди. Бу воқеани диққат билан кузатиб турган навкарлар ҳайратдан ёқа ушлашди ва ўзларини панага олишди. Кўп ўтмай норасида тетикланиб оёққа турди. Энди у ўзини эплаши керак. Кичкинтой астасекин онасининг ортидан эргаша бошлади. Она оҳу беш-ўн одим юрар-юрмасдан ортига қайрилиб навкарлар томон ўгириларкан энгашганича бошини бир-икки сермаб қўйди. Бу эса унинг халоскорига миннатдорчилик ифодаси эди, чоғи.

Ниҳоят, она оҳу боласини эргаштириб бу ердан анча олислаб кетди. Бора-бора тамоман кўздан йироқлашди. Хон эса беозор жониворлар ортидан тикилиб қоларкан, кўнглининг бир четидан уларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва шафқат ҳисси қайта туғён ура бошлади. Шунда у беихтиёр табиатдаги жонзотларнинг ҳам бир-бирларига ўзаро меҳр-муҳаббати беқиёс эканлиги, агар зарурат туғилганида жонини ҳам аямаслигига тўла ишонч ҳосил қилди. Хон жониворларни ёмон кўздан асраш, озор бермаслик ва доимо ғамхўр бўлиш ҳақида ўйларкан, бу ерга вақти-вақти билан келиб гўзалликда тенги йўқ беозор жониворлардан хабардор бўлиб туришни кўнглига тугиб қўйди.

Шу-шу сўлим ва хушманзара маскандаги баланд тоғ Хон номи билан аталадиган бўлди. Тоғликлар эса ушбу ривоятни ҳалигача фахрланиб, она табиат ва ундаги барча жониворларни севиб-эъзозлаш, асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш лозимлиги ҳақида ёш авлодларга мароқ билан сўзлаб беришни канда қилишмайди.

Аёнки, табиатни севган, унга меҳр қўйган, асраб-авайлайдиган ўз уйим, ўз масканим, деб билган инсонлар қалбида она юрт меҳри жўш ураверади.

Абдулла САИДОВ

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1023, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Беҳбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

1 2 3 5